O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 31 июль, жума № 31 (2314). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 31 июля, 2009 год, № 31 (2314). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

БУГУНГИ ЎТА ТАҲЛИКАЛИ БИР ЗАМОНДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ҚУДРАТИНИ ОШИРИШ, МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ВАТАНИМИЗ САРҲАДЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ ВА ГАРОВИДИР.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ:

тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи банкларнинг таркибий бўлинмалари сезиларли равишда ўзгартирилди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди;

барча тижорат банкларида инвестиция фаолияти масалаларига мутасаддилик қиладиган банклар бошқаруви раисларининг ўринбосарлари лавозими жорий этилди, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойишига мувофиқ ўтказилган аттестация натижалари бўйича қонунчилик базасини чуқур биладиган, инвестиция лойиҳаларини инвестициявий молиялаш, танлаб олиш ва экспертиза қилиш соҳасида зарур кўникмаларга эга бўлган раҳбарлар тайинланди;

банклар балансига қабул қилинган банкрот-корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

2. Қуйидагилар инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш;

лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

таваккалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банклар бўлинмаларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш.

3. 2015 йилнинг 1 январигача шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра тижорат банклари кредит портфели таркибида 1-иловага мувофиқ узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғи тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

4. Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар – йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш тавсия этилсин.

5. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан кредитларни қайта молияловчи тижорат банклари бошқаруви раислари зиммасига лойиҳалар ва қарз олувчи корхоналарнинг молиявий аҳволидан қатъи назар маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни ажратилган фоизларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ўз вақтида қайтариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

(Давоми 2-бетда).



Кичик сержант Ахрор ОЧИЛОВ қўриқда олган.

Сергакликда, маҳоратда кучимиз!

ШУ СОНДА

- **Мустақиллик – умумий бойлигимиз ва бебаҳо мулкимиз** 3
- **Надежный щит для мотострелков** 4
- **Мардлик, матонат мактаби бу** 6
- **Заҳарли ҳашаротларнинг нечта тури бор?** 9
- **«СамАвто»дан янги автобус** 11
- **TV дастур** 12-13
- **600 миллион йиллик топилма** 16
- **Иқтисодиётимиз ривожи халқаро эътирофда** 17
- **Билимлар синовдан ўтадиган кун** 21
- **Ота ўғилнинг саккизинчи муваффақияти** 22

5 ASKAR
ISTIQLOL TENGDOSHIMIZ – HURLIKKA KAMARBASTA

7 ЖАРАЁН
ПОСБОН МАҲОРАТИ – ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ГАРОВИ

8 ОИЛА ГУЛШАНИ
МУҚАДДАС ОШИЁН – МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН

20 ЁШЛАР
ОМАД СИЗГА, АБИТУРИЕНТЛАР!

ХАРЛАМОВ Сергей Александрович

ТОҒАЕВ Жаҳонгир Рўзиевич

2009 йил 23 июль куни соат 9 дан 5 дақиқа ўтганда Чирчиқ аэродроми ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳаво кучларининг ўқув-машғулот парвозини амалга ошираётганда **подполковник ХАРЛАМОВ Сергей Александрович** ва **капитан ТОҒАЕВ Жаҳонгир Рўзиевич** хизмат бурчини бажариш чоғида фожиали ҳалок бўлишди.

Подполковник С.ХАРЛАМОВ 1976 йилнинг 29 июнида Улан-Батор (МХР) шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан отасидек учувчи офицер бўлишга, мардлар касби, шарафли соҳа – ҳарбийликни танлашга ҳавас қўйган ўғлон билими, интилиши, қобилияти, интеллектуал салоҳияти билан тенгдошларидан ажралиб турди. Истиқлол меваси бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртини 1997 йилда тугаллаб, илк қалдирғочларимиз сифатида миллий армиямиз сафларида хизматини бошлади.

Нафақат жисмоний баркамоллиги, балки юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳияти билан ажралиб турган бугуннинг офицерида ҳарбий малака, маҳорат, ҳар қандай шароитда ҳам оқилона қарор қабул қила олиш санъати шаклланди. Бу эса офицерда Ватани, халқи ҳимояси йўлидаги эзгу ишларда юксак масъулиятлиликни тарбиялади.

Биринчи тоифали моҳир учувчининг мустақиллигимизни, тинч ва осойишта ҳаётимизни ҳимоялаш йўлидаги фидойи хизматлари давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланди, 2000 йилда у «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Капитан Ж. ТОҒАЕВ 1978 йилнинг 16 августида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида туғилди. Болалигидан ҳарбийликка, Ватан ҳимоячиси бўлишга ҳавас билан ўсиб-улғайган мард ўғлон Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кириб, 1999 йилда тугатиб, миллий армиямиз сафларининг авваламбор мустақил ва суверен Ўзбекистонимизга хизмат қилиш, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя этишга азму қарор қилган мард ва фидойи, интеллектуал жиҳатдан тарбия топган етук кадрлар ҳисобига бутланишидек устувор мақсадга хизмат қилди. Иккинчи тоифали учувчи мақомига эга бўлиб, осмонимиз мусаффолиги, ҳаво сарҳадларимиз ҳимояси йўлида фидойилик намуналарини кўрсатди.

Ҳар иккала офицер ҳам шарафли ва масъулиятли касбнинг моҳиятини юракдан англаб, етакчилик қобилияти билан шахсий таркибни доимо ортидан эргаштира билди. Бурчига, танлаган касбига, қасамёдига садоқати билан мустақил Ўзбекистон офицери эканлигидан фахрланиши, ғурурланиши, Ватанимиз, мустақиллигимиз ҳимоясини ҳамма нарсадан устун қўйишини жанговар хизматлари давомида исботлаб келди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарияти **подполковник ХАРЛАМОВ Сергей Александрович** ва **капитан ТОҒАЕВ Жаҳонгир Рўзиевич**ларнинг яқинлари ва оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

Уларнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан тижорат банклари мақсадга номувофиқ фойдаланган ҳолатлар аниқланган тақдирда мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган барча пул миқдори жарима санкциялари қўлланган ҳолда муддатидан аввал тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш учун тижорат банклари томонидан 2-иловага мувофиқ 2009-2010 йилларда юридик шахслар ўртасида камида 110 млрд. сўм ҳажмда жойлаштириладиган узоқ муддатли облигациялар чиқариш борасидаги таклифи қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий захиралари нормаларининг табақалаштирилган ставкаларини қуйидаги жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ этсин:

муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 80% миқдорида;

муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 70% миқдорида.

8. Қуйидагилар:

тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан;

тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинадиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилсин.

9. Тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бошқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сон фармойишининг 2-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сон фармойиши билан тузилган Тижорат банклари раҳбарлари ва инвестиция фаолияти масалалари бўйича масъул бўлим бошлиқларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (Р.С.Азимов) мунтазам равишда, ҳар икки йилда бир марта тижорат банклари бошқаруви раислари ўринбосарларини ва банкларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмалари раҳбарларини аттестациядан ўтказишни таъминласин (хорижий капитал иштирокидаги банклар ва хусусий банклар бундан мустасно).

Тижорат банклари раҳбарлари:

икки ой муддатда инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи, молияловчи ва амалга оширилишини мониторинг қилувчи банкларнинг таркибий бўлинмаларини самарали иш олиб бориш учун зарур компьютер техникаси ва ускуналар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин;

инвестиция фаолияти масалалари учун жавобгар банк бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш ишларини доимий равишда олиб борсин;

инвестиция фаолияти масалалари билан шуғулланувчи банк ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича минтақаларда доимий фаолият кўрсатувчи курслар ва амалий семинарлар ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 июль.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Марказий офицерлар саройида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика ҳарбий прокурори генерал-майор Ш. Узоқов раислигида ўтган мазкур тадбирда Юртбошимиз томонидан миллий армиямиз олдига қўйилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш йўлида қилинаётган муҳим ишларга яна бир бор эътибор қаратилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда вазирликлар, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг раҳбарлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этиб, 2009 йилнинг ўтган ярим йиллик даврида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида бирлашмалар ва қисмларнинг ташкилий штат тузилмасини янада такомиллаштириш, армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, моддий техника таъминотини яхшилаш, олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш барча поғонадаги командирларнинг энг муҳим вазифаси эканлигига урғу берилган.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Ватан ҳимоячиларига йўллаган мурожаатида билдирган фикрларидан келиб чиқиб, Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, унда барча йўналишлар бўйича ҳарбий прокурорлар амалга ошириши лозим бўлган вазифалар белгилаб қўйилган.

Мажлисда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан Қуролли Кучларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида қилинган ишларга танқидий нуқтаи назардан баҳо берилди ҳамда 2009 йил якунига қадар Қуролли Кучларда қонун устуворлиги ва ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлаш йўлида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокурорларга Қуролли Кучларимиз олдида турган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда бу борада ҳарбий бирлашмалар ва қисмлар командирлари, муассаса раҳбарлари билан кенг ҳамкорликни таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларининг таркибий қисми ҳисобланган ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Шунингдек, қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишда замонавий қурол-яроғ ва техника билан жиҳозланган, давр талабларига жавоб берадиган, мамлакат чегаралари ва ҳудудий яхлитлигини, халқ тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қила оладиган Қуролли Кучларни шакллантириш мамлакатда амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг бош мақсади эканлигини назарда тутиб, қонун билан берилган ваколатларидан самарали фойдаланиб, бор куч ва имкониятларини шу муҳим вазифанинг муваффақиятли амалга оширилишига сафарбар этишлари лозимлиги таъкидланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиш давомида Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика тадбирларини янада кучайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди ва бу борада муҳим вазифалар белгиланди.

Адлия подполковниги
Баҳтиёр МИРМАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

МУСТАҚИЛЛИК – УМУМИЙ БОЙЛИГИМИЗ ВА БЕБАҲО МУЛКИМИЗ

Мустақиллик йиллари мобайнида юртимизда энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг навбатдаги ҳар бир айёмини жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар билан кутиб олишдек ажойиб анъана юзага келди. Бугунги кунда ҳам ҳар бир меҳнат ва ҳарбий жамоа, ҳар бир оила, айтиш мумкинки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси Мустақиллик айёмига ўз совғасини тайёрламоқда. Шуниси эътиборлики, ушбу байрамга ҳар биримизнинг ўз шахсий алоқадорлигимиз бор. Аммо ана шу шахсийликда умумдавлат манфаатлари ҳам, шахсий манфаатлар ҳам уйғунлашган.

Яқиндагина биз, ана шу энг улуғ ва энг қадрли байрамга тайёргарлик кўрар эканмиз, мустақиллик ғояларини юртдошларимизнинг онги ва қалбига сингдириш зарурати ҳақида гапирган эдик. Бу ғоялар онгимиздан чуқур жой олган **бугунги кунда эса биз биринчи ўринга маърифат ва мустақиллик ютуқларини тарғибот қилиш масалаларини қўймоқдамиз.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ҳам **«тарихан қисқа бу даврнинг ёш давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб бериш»** масаласини биринчи ўринга қўяди.

Ана шу кўп қиррали вазифалар доирасида эришган ютуқларимизга бир назар ташласак. Улардан асосийларини ажратиб кўрсатамиз ҳамда уларнинг аҳамияти ва улкан ижтимоий-сиёсий натижаларини таъкидлаб ўтамиз.

Давлат ва ижтимоий қурилиш соҳасида. Мустақиллик йўли бўйлаб ташлаган дастлабки қадамларимиздан бошлаб биз эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлат қурилишининг конституциявий ва ҳуқуқий асосини яратдик. Ва энг муҳими – тарихан қисқа муддатлар ичида марказда ва жойларда жамият ва давлат ҳаётида қонунлар, адолат тамойиллари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида қатъий турган давлат ҳокимиятининг кучли тизими яратилди. Конституция асосида давлат ва жамият, иқтисодиёт, молия, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани қуриш ва бошқаришнинг принципиал жиҳатдан янги тизими йўлга қўйилди. Бунда, сўнгги йиллар ва жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози яққол кўрсатиб берганидек, Ўзбекистоннинг банк-молия тизими кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг банк-молия тизимларига қараганда ишончли ва барқарор эканлиги намоён бўлди.

Давлат ва жамият қурилишида эришилган энг муҳим ютуқлардан бири **бу – маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотларининг мустаҳкамланиши ҳамда уларга ваколатлари марказий ҳокимият органларига тегишли бўлган кўплаб вазифаларнинг олиб берилиши бўлди. Маҳалла** сингари ноёб миллий институтнинг роли ва аҳамияти чексиз ошди. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим роль ўйновчи сиёсий партиялар, Ижтимоий экология ҳаракати, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг таъсири ва аҳамияти кучайди.

Иқтисодиёт соҳасида. Мамлакатимиз МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб **иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсиб боришини таъминлади**. Сўнгги беш йил ичида иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ўртача 8 фоиздан ортиқ бўлди, 2009 йилнинг I чорагида эса 7,9 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиёти учун шунингдек, экспорт ва инвестицияларнинг юқори суръатларда ўсиб бориши, савдо ва тўлов балансларидаги ижобий сальдо, давлат бюджети профицити ҳамда олтин-валюта захираларининг барқарор ўсиб бориши ҳам характерлидир.

Президент Ислом Каримовнинг оқилона иқтисодий сиёсати натижасида бугунги кунда, кучли иқтисодий ва молиявий инқироз шароитларида, Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимлари, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар ва зарурий ресурс базаси яратилган. Буни тасдиқлаш учун фақат битта мисол келтираман. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири банклар ликвидлиги муаммосининг кескинлашуви, кредит бозоридаги инқироз, соддароқ айтганда, пул маблағлари етишмаслиги бўлди. **Мамлакатимизда эса биргина тижорат банкларининг активлари миқдори бугунги кунда 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошади. Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир.**

Иқтисодиётимиз эришган ютуқлар борасидаги суҳбатни жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича ҳали давом эттирамиз, шу ўринда эса Юртбошимиз узоқни кўзлаб юритаётган сиёсат хусусида алоҳида таъкидлаб ўтмасак бўлмайди. Мустақиллик эълон қилиши биланоқ давлатимиз раҳбари устувор вазифа – ғалла ва энергетик мустақилликка эришиш масаласини олдинга сурди. Ва бундан руҳланган халқимиз қисқа муддатлар ичида ушбу икки муҳим вазифани бажарди. Бу билан порлоқ келажак учун мустаҳкам иқтисодий асос яратилди.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, Юртбошимиз раҳбарлигида мустақилликнинг илк кунлариданоқ **мамлакат иқтисодиётининг бутун стратегияси оқилона қурилди** ва унинг асосини аввало иқтисодиётни янги ва энг янги технологиялар асосида қайта қуриш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яратиш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка кундалик эътибор ва қишлоқ хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш борасидаги вазифалар ташкил этди.

«Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик». Юртбошимизнинг ушбу сўзларидан унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий стратегияси моҳиятини англаб олиш мумкин. Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади. Парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун «бозорнинг кўринмас қўлига» кўр-кўрона ишониш мумкин эмас.

Кучли ҳокимият мамлакат иқтисодиётига ҳам, унинг молиявий тизимига ҳам эътиборли бўлиши зарур. Бундай сиёсатнинг натижалари яққол кўриниб турибди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бугунги кун шароитларида, Ўзбекистон кўплаб мамлакатларда содир бўлаётганидек, ортга чекинаётгани, банкротликка юз тутган банклар ва суғурта компанияларини миллийлаштираётгани, яъни давлат мулкига айлантираётгани йўқ. Бу «ривожланишнинг ўзбек модели» тўғрилиги, Юртбошимиз оқиллигининг яна бир исботидир.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши сўнгги уч йил ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотни амалий жиҳатдан икки баробар ошириш имконини берди. Мисол учун, 2005 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми 14,3 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2008 йилда у 28 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу тобора юксалиб бораётган иқтисодиётимиз қудратини таърифловчи муҳим кўрсаткичдир.

Ижтимоий-сиёсий соҳада. Ушбу соҳада Ўзбекистон эришган энг муҳим ютуқ бу – мамлакатимизда яшовчи халқлар бирдамлигини янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, фуқароларо, миллатлараро ва динлараро тотувликни сақлаш, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тушунувчанликни мустаҳкамлаш, нодавлат, нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва оширишдан иборат бўлди. Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг роли анча ошди. Бугунги кунда ЎзЛДП, ХДП, «Адолат» СДП, «Миллий тикланиш» демократик партияси билан бир қаторда Ижтимоий экологик ҳаракатнинг обрўси, таъсири ва фаолият доираси ошиб бормоқда. Ҳар бир партия, ижтимоий ҳаракатнинг истиқбол борасидаги ўз қарашлари, ўз мақсад ва вазифалари, ўз электорати бор, аммо уларнинг барчасини мустақиллик ғоялари, миллий ғоямиз, ҳуқуқий, демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуришдек олижаноб мақсадимиз бирлаштиради. Бугун мустақиллик ҳаётимизнинг, маънавиятимиз, маданиятимиз ва менталитетимизнинг ажралмас қисмига айланди.



Ижтимоий соҳада. Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб **«кучли ижтимоий сиёсат»** тамойилига ёндашди ва бу ривожланишнинг «ўзбек модели»да ўз ифодасини топди. Бу мамлакат учун мураккаб бўлган ўтиш даврида Юртбошимиз томонидан чуқур ўйланган ижтимоий сиёсатда намоён бўлди. Барчамиз учун қийин бўлган ўша даврда нон ва бошқа маҳсулотлар учун энг паст нархларни, маҳсулотлар нормаланган ҳолда етказиб берилиши узоқ муддат сақлаб қолинди.

Давлатимиз раҳбарияти уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар борасида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан **аҳолининг яхши ҳимояланмаган қатламларини адресли қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялашнинг ноёб тизими ишлаб чиқилди.** Ва энг муҳими – у «шок терапияси»га йўл қўймади. Ҳозир буларнинг барчаси ортда қолди. Биз бошқа дунёда яшаяпмиз. Иқтисодий ислоҳотлар орқали эришилган иқтисодий ўсиш натижасида **сўнгги уч йил ичида ялпи даромад аҳоли жон бошига ҳисоблаганда деярли 3 баробарга ошди.** Фақат ўтган йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори 51 фоизга ортди.

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ўрта ҳисобда 1,25 бараварга, яъни 25 фоизга ошириш тўғрисидаги Фармони давлатимизнинг аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш борасидаги доимий ғамхўрлигидан далолатдир. Рақамга эътибор беринг – 25 фоиз. Бу ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам, аҳамияти жиҳатидан ҳам улкан ижтимоий чора. У кескин молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида, кўплаб мамлакатларда ижтимоий дастурларни қисқартириш, турмуш даражасининг пасайиши жараёнлари содир бўлаётган шароитларда қабул қилинганини ҳисобга олсак, Президентимиз Фармони бу – давлатимиз иқтисодий қудратининг юксалиб бораётганлиги, ҳақиқатан кучли ижтимоий сиёсат ва инсон ҳақидаги ҳақиқий ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Республика раҳбарияти ижтимоий сиёсатнинг **аҳолини иш билан таъминлашдек** муҳим томонига ҳам доимий эътибор қаратиб келмоқда, бу эса инқироз шароитларида алоҳида, принципиал аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда ҳозирги инқироз даврида ишсизлик кўламлари мисли кўрилмаган даражада ошди ва ижтимоий портлашга яқин турибди. Бизда эса аҳоли бандлигини таъминлаш сиёсати натижасида нафақат ишсизлик даражаси ортмаяпти, балки аксинча, иш билан банд бўлмаган фуқаролар сони камайиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда 208,6 минг янги иш ўринлари ташкил этилди. Бунда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган қўшимча тадбирлар натижасида 53,8 мингта иш ўринлари яратилди.

Қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, онги ва фуқаролик масъулиятини оширишни кўзда тутувчи **2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши** ҳам кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлди.

Маънавий соҳада. Шу кунларда биз ҳаммамиз учун чинакамига энг азиз ва энг қадрли бўлган байрам – Мустақиллик кунини 18-бор нишонлаш арафасида турибмиз.

Юртбошимиз бизга тарихий хотира, унинг миллий ўзликни англаш ва миллий ғурурни шакллантиришдаги роли ва муҳим аҳамиятини очиб берди. Давлатимиз раҳбарияти ва шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан буюк аждодларимиз Амир Темур ва Алишер Навоий, Улуғбек ва Жалолиддин Мангуберди, Бобур ва Ибн Сино, Ал-Бухорий ва Ал-Фарғоний, кўҳна тарихий шаҳарларимиз Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз, Қарши ва Марғилоннинг юбилей тантаналари халқаро миқёсда нишонланди. Буюк аждодларимизнинг тарихий ва маданий хотирасига мурожаат қилар эканмиз, биз маънан бойийдик, ахлоқан юксалдик, ғоявий чиниқдик ҳамда ўз қадрдон юртимиз, сербарака заминимиз ва жаҳонга кўплаб илм-фан дарғалари, жамоатчилик ва давлат арбоблари, мутафаккир ва саркардаларни етказиб берган улуғ халқимиз билан фахрланамиз. Уларнинг номлари халқ хотираси ва дунё тарихида бир умрга қолади. Биз қандай буюк инсонларнинг меросхўри эканлигимизни ва қандай тарих ҳамда маданиятга эга эканлигимизни чуқур англаймиз ва бу билан ғурурланамиз.

Миллий армиямиз доимо халқ билан яқдил бўлиб, авлодлар анъаналарига содиқ бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бугунги кунда ҳам у нафақат ҳарбий куч, балки аввало ахлоқий, маънавий кучга эга бўлишга интилмоқда. Мустақиллик бу – бизнинг умумий мулкимиз, эркин ва муносиб ҳаётимиз гарови эканлигини чуқур англаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари посбонлари бор кучларини она Ватанимиз, ажойиб ва сернеъмат заминимизни ишончли ҳимоя қилишга бағишлашни ўзлари учун буюк шараф деб биладилар.

А. ХЛИЗОВ.

КВАЛИФИКАЦИЯ

НАДЕЖНЫЙ ЩИТ ДЛЯ МОТОСТРЕЛКОВ

Основной задачей подразделений ПВО Сухопутных войск является прикрытие действий мотострелковых подразделений от воздушного нападения противника. Проведенные учебно-методические сборы с руководящим составом ПВО СВ показали, что надежность щита от посягательств с воздуха находится на довольно высоком уровне.

В первый день сборов с докладом выступил офицер Учкун Ходиев.

В этот день были заслушаны также доклады по таким темам, как «Основы применения войск ПВО СВ в бою и операциях», «Организация боевой работы на командном пункте ПВО объединения и боевого дежурства войск ПВО СВ», «Организация подготовки и проведения полевых выходов частей ПВО СВ в районы интенсивных полетов авиации», «Основные задачи воспитательной работы на современном этапе реформирования Вооруженных Сил».

Если в первый день участники сборов плодотворно трудились в учебных классах, то на второй день им были представлены практические занятия. В частности, большой интерес вызвало занятие по методике подготовки и проведению тренировок по управлению огнем и боевой работе на технике подразделений.

– Чувствуется, что организаторы с душой подошли к данным занятиям, – делится своими впечатлениями офицер Тоир Нурмухамедов. – Учебные места оборудованы точно согласно требованиям руководящих документов, техника в порядке, пособия выставлены в надлежащем виде.

Конечно, у опытных офицеров, имеющих за плечами богатые знания обучения личного состава, были и отдельные пожелания и предложения. Но в целом докладывали молодые офицеры вполне профессионально. Так, лейтенант Олимжон Макилов довел до участников сборов характеристики зенитной установки, а лейтенант Лочин Абдуллаев рассказал о боевых возможностях автоматической зенитной пушки. Кстати, впоследствии нам довелось увидеть в деле меткую стрельбу зенитчиков из данного вида вооружения по указанным целям.

К числу молодых перспективных офицеров можно отнести и лейтенанта Сиддика Атажанова, два года назад прошедшего обучение в военной академии. Он также рассказал участникам сборов о боевых возможностях зенитно-ракетного комплекса.

У младшего сержанта Эркина Авазова тоже интересная тема для доклада, ведь он – командир транспортной зарядной машины (ТЗМ). Именно эта машина загружает ракеты на боевые машины, а потом разгружает, хранит их. От мастерства этого военного профессионала в немалой степени зависит степень боевой готовности подразделения.

Доклад офицера Дильшода Олимова еще более специфичен: в нем речь идет о проверке параметров бортовой аппаратуры ракет. Станции для такой работы имеются, они успешно применяются.

И тем отраднее было видеть, как успешно проходят срочную службу в таких высокотехнологичных войсках, как ПВО СВ, наши молодые люди. Рядовой Абдулхамид Исмаилов призван этой весной в ряды Вооруженных Сил из города Янгиюля Ташкентской области. Выпускнику компьютерного колледжа доверена должность радиотелефониста, с которой парень отлично справляется. Кстати, на практических занятиях солдат отменно отработал на своем учебном месте.

– Мечтаю остаться на службу по контракту, – говорит рядовой А.Исмаилов. – Надеюсь, это участие в учебно-методических сборах станет для меня первым шагом на пути к претворению мечты.

Вот и лейтенанту Ахрору Эрматову на сборах представилась уникальная возможность ощутить себя в роли командира зенитно-ракетной части: на занятии он давал целеуказания на КП.

В боевой работе подразделений ПВО СВ огромное значение имеет качественная и бесперебойная связь. Она не только позволяет надежно обеспечивать четкое взаимодействие с мотострелковыми подразделениями в бою, но и гарантирует оповещение командования. Об этом рассказал на своем учебном месте капитан Шавкат Наврузов.

Пока доводился план проведения показательного учения с боевой стрельбой, удалось побеседовать с представителями военных округов, ВВОУ, узнать их мнения об уровне проводимых сборов.

– Ценность данных сборов состоит еще и в том, что после них командиры зенитно-ракетных частей проведут полевые выходы у себя, – говорит офицер Равшан Муталипов. – При этом в основных моментах можно многому научиться в плане методики проведения.

– Порадовался за наших выпускников, – говорит начальник кафедры боевого применения ПВО СВ ЧВТКИУ подполковник Махмуд Саримсаков. – В училище некоторые из них имели проблемы с методикой, а сейчас вижу, что опыт реальной боевой работы с личным составом дает о себе знать.

В ходе показательного тактико-специального учения с боевой стрельбой колонна боевых машин зенитчиков выдвинулась из района сосредоточения, попутно отработав по таким вводным задачам, как отражение воздушного налета условного противника, прохождение участка «зараженной» местности.

А затем зенитчики на огневом рубеже образцово переводили боевую технику из походного положения в боевое, метко вели огонь по внезапно появляющимся целям. Среди отличившихся – расчеты зенитных установок в составе младших сержантов Азиза Рузиева и Фарруха Казакова, Бегмата Бобониязова и Закира Курбанова. Из зенитной самоходной установки вел огонь офицер Исматилло Хаитметов.

В этот день стрельба велась согласно тактико-огневых задач, при этом зенитчики показали, что вполне эффективно могут защитить мотострелковые подразделения от нападений воздушных и наземных целей условного противника. Уже знакомый нам лейтенант Лочин Абдуллаев умело организовал боевую работу расчета автоматической зенитной пушки, который уверенно поразил цели.

В дальнейшем офицер Дмитрий Белов довел участникам сбора методику проведения занятий на панорамном компьютерном стрелковом тренажере (ПКСТ). Появление на объемном экране изображения вертолета в звуковом сопровождении еще больше усиливали эффект реальности происходящего.

В заключение участники сборов приняли участие в контрольно-проверочном занятии, целью которого была оценка знаний требований руководящих документов. Среди тех, кто показал наилучшие результаты, командование сборов отметило офицеров Р.Муталипова, А.Абдулхаева, М.Саримсакова, Х.Усманова и Н.Эшмирзаева. Также отмечено, что поставленная цель достигнута: офицеры командного звена зенитно-ракетных подразделений успешно пополнили багаж знаний и опыта, в преддверии полевых выходов на уровне своих войсковых частей еще раз увидели методику обучения личного состава.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото автора.

ASKAR

«ENG ULUG‘, ENG AZIZ» TANLOVIGA. 18

ISTIQLOL TENGDOSHIMIZ – HURLIKKA KAMARBASTA

Hurligim o‘n sakkiz – yigit yoshida,
O‘zligin ko‘rsatdi nelarga qodir –
El ozod, yurt obod, dunyo qoshida –
Millatim qaddi tik, iqboli komil.
Mana shu cho‘ng baxtni asrash yo‘lida,
Hurlik tengdoshlari bugun bahodir!

Mana, ozod Vatanimiz o‘z istiqlolining 18 yillik qutlug‘ yoshini qarshilayapti. O‘tgan sinov – qayta tiklanish, qad rostlash, jahonga yuz tutish davri xalqimiz uchun mashaqqatli va o‘z o‘rnida sururli kechgani rost. Zaminga ildiz otgan, ajdodlari buyuk qadim millatimiz bugun yana dunyo nazarida.

Ne baxtki, bugun mustaqillik tengdoshlari o‘z hurligini asrashga qodir olovqalb o‘g‘lonlar. Ularning ilk vakillari ayni damda milliy armiyamiz safida Vatanimiz tinchligi va istiqlolimiz barqarorligini asrash yo‘lida yigitlik burchini o‘tayapti. Vujudidan kuch-g‘ayrat yog‘ilib turgan, dunyoqarashi keng, nigohi o‘tkir, orzulari osmon qadar yuksak bu o‘g‘lonlar istiqbolimiz egalari, istiqlolimiz posbonlaridir. Biz ushbu maqolamizda mana shu hurlik tengdoshlari bo‘lgan Vatan himoyachilari haqida so‘z yuritishni lozim topdik.

YURTGA POSBON BO‘LAR – YIGITNING MARDI

Onam deb – orim deb Qasamyod qildim,
Vatanim – borim deb Qasamyod qildim,
Hurligim – shonim deb Qasamyod qildim,
Yigitlik kamarin bog‘ladim Ona,
Umrimni mardlikka chog‘ladim Ona!

O‘g‘li Rustambekni Rajaboy opa xizmatga ochiq chehra, onalik nasihatiyu o‘giti ila kuzatdi. Hayotdan bevaqt ko‘z yumgan umr yo‘ldoshi Valijon akaning o‘rnini ham bildirmaslikka harakat qildi, u.

Termiz shahrining At-Termiziy ko‘chasida istiqomat qilayotgan ushbu oilada to‘rt o‘g‘lon kamolga yetayapti. Sizga hikoya qilmoqchi bo‘lgan oddiy askar Rustambek Kattayev mazkur ziyoli oilaning uchinchi farzandi.

Termiz shahar ijtimoiy-iqtisodiy kasb-hunar kollejini bitirgan navqiron yigit tengqurlari orasida birinchi bo‘lib xizmatga otlandi. Uning yigitlik burchini o‘tashga bo‘lgan ishtiyoqi, intilishi xizmatda o‘rin topishiga, guruh komandirining yaqin yordamchisi, safdoshlarining yetakchisi bo‘lishiga zamin yaratdi.

– Ilk xizmatni boshlagan posbon uchun armiya hayotiga moslashish biroz qiyin kechishi mumkin. Biroq Vatan xizmatiga bel bog‘lagan yigit borki, bu sharafli burchni chin dildan ado etib, sohani mukammal egallashga harakat qiladi, – deydi Rustambek ishonch ila. – Bu borada menga leytenant Husanjon Soliyev, serjant G‘ayrat Umrzoqovlar yaqindan yordam berishdi, harbiy tayyorgarlik, jangovar san’at sirlarini egallashimda ustozlik qilishdi. Hozirda safdosh do‘stlarim oddiy askarlar Safarbek Qurbonaliyev, Bobur Avliyoqulov, Abduhofiz Hamdamov, Sulton Jumayev, Shakarbek Toirovlar bilan birgalikda oldingi safda bo‘lishga harakat qilayapmiz. Xizmatda erishayotgan yutuqlarimiz Mustaqilligimizning 18 yillik to‘yiga kamtarona sovg‘amizdir. Kelajakda muddatli harbiy xizmatni muvaffaqiyatli o‘tab, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi Mudofaa vazirligining maxsus fakultetiga o‘qishga kirish, ofitserlar safidan munosib joy egallash niyatidaman.

Yigitning omadi qo‘lida, ya’ni harakatida, degan purma’no gap bor xalqimizda. Rustambekning yurakdan chiqqan bu so‘zlaridan ham bilsa bo‘ladiki, hur Vatan bag‘rida o‘sgan mustaqillik tengdoshlaridan millatimiz umidi katta.

ORZULARI YUKSAK UNING

Oddiy askar Asqarbek To‘rayev bilan suhbatlasharkanman, bu o‘g‘lonning o‘ziga bo‘lgan ishonchi, qat’iyati e’tiborimni tortdi. Yorug‘ kunlarga erishgan xalqim, rivojlanishga yuz tutayotgan yurtim baxtiga shunday mard o‘g‘lonlar kamolga yetayotganiga shukrona keltiraman, beihtiyor:

Aziz o‘lkam, ortda qolgan
zahmatingga ming shukr.
Erk taxtida qad rostlagan
chin baxtingga ming shukr.
Bu kun iqbol tojidasan,
dunyo nigohi senda,
Hurligingni asraguvchi
har mardingga ming shukr.

Mustaqillik tengdoshi bo‘lgan Asqarbek Navoiy o‘g‘loni. U Navbahor tumanining Mavlonbobo qishlog‘ida voyaga yetgan. Oiladagi sakkiz farzandning eng kenjasi.

O‘rta maktabni bitirgan yigit avvalo Vatan oldidagi burchini o‘tashga otlandi. Bundan ko‘zlangan maqsad bitta, ya’ni jangovar xizmat sinovlarida toblanish, o‘ziga bo‘lgan ishonchini mustahkamlash, mustaqil mamlakatini himoya qilishga qodir Vatan himoyachisiga aylanish. Buning zamirida shubhasizki kelajagini o‘zi orzu qilgandek ta’minlovchi imkoniyat ham mujassam.

– Vazifamning mas’uliyatli qirralari ko‘p, – deydi askar biz bilan suhbatda. – Sergaklik, hushyorlik, jangovar quroldan har qanday holatda to‘g‘ri foydalana bilish, to‘g‘ri xulosa chiqarish, bir so‘z bilan aytganda, harbiy nizom talablariga amal qilgan holda harakat qilish jangovar burchim hisoblanadi. Safdoshlarim bilan jangovar quroldan nishonga otish, ijtimoiy-siyosiy va jismoniy tayyorgarliklarda yetakchi bo‘lishga intilamiz. Bu borada erishgan muvaffaqiyatlarimizda katta leytenant Qobil Egamov, shartnoma bo‘yicha harbiy xizmatchi, oddiy askarlar Jamol Shamsiyev, Jalil Toirov kabi ustozlarning o‘rni katta.

Oddiy askar Asqarbek To‘rayevning mashg‘ulotlarda a’lochiyu jamoatchilik ishlarida faolligini ofitser Zokirjon Abdurahmonov ham alohida e’tirof etib o‘tdi. Yetakchi posbonning kelajak orzusi yigitlik burchini namunali o‘tab, qism qo‘mondonligi tomonidan beriladigan imtiyoz –Tavsiyanomaga ega bo‘lib, kon-metallurgiya sohasida tahsil olib, mamlakatimiz iqtisodiyoti yuksalishiga hissa qo‘shish.

«MAQSAD SARI OLG‘A»

Sizga hikoya qilmoqchi bo‘lgan istiqlol tengdoshlaridan yana biri – oddiy askar Alimardon Umarovning hayotdagi shiori huddi shunday. Ya’ni doimo maqsad sari olg‘a intilish, ko‘zlagan marraga erishish.

Har gal posbonlar bilan suhbatlashganimda bir haqiqatni chuqur his qilaman. Kelajak orzusi, dunyoqarashi turlicha bo‘lgan bu o‘g‘lonlarni birlashtirib turgan ezgu-maqsad bitta – Vatan tinchligi, mustaqilligimiz barqarorligi yilida xizmat qilish, yurtimiz ravnaqiga hissa qo‘shish.

– Men Farg‘ona viloyatining Oxunboboyev tumaniga qarashli Shohmirza qishlog‘idan xizmatga chaqirilganman, – deydi u o‘zini tanishtirar ekan. – Xizmatning ilk sinov onlaridan boshlab shunga amin bo‘ldimki, har bir yigit kishi uchun «hayot maktabi», deya ta’rif beriluvchi harbiy xizmatning o‘rni katta ekan. Ayniqsa, nazariy va amaliy mashg‘ulotlarda har tomonlama chiniqayapmiz. Jismonan baquvvat, intellektual salohiyatda ustuvor, jangovar shay bo‘lishimiz uchun astoydil harakat qilishimizga to‘g‘ri kelayapti.

Askarlar bilan suhbat chog‘ida ularning ko‘plari bo‘sh paytlarida sportning turli yo‘nalishlari bilan shug‘ullanishlari haqida to‘xtalishadi. Alimardon ham sportga oshno o‘g‘lonlardan. Qolaversa, u kitob mutolaasi uchun ko‘proq vaqt ajratishini alohida ta’kidlab o‘tdi. Bu ham bo‘lsa qahramonimizning ma’naviyati keng, dunyoqarashi teran ekanligidan dalolat.

– Bunday intiluvchan posbonlar har doim shaxsiy tarkibga o‘rnak, yetakchi bo‘lib kelgan, – deydi qism komandirining tarbiyaviy ishlar bo‘yicha o‘rinbosari mayor Asqar Safarov. – Oddiy askar Alimardon Umarov mashg‘ulotlarda jamoat ishlarida faolligi, berilgan topshiriqlarni o‘z vaqtida bajarishi bilan safdoshlaridan ajralib turadi. Bunday posbonlar harbiy jamoamiz faxridir.

Insonning orzusi, maqsad sari intilishi uning kelajagini belgilab beruvchi muhim omil hisoblanadi. Bu haqda so‘z ketganda Alimardon kelgusida albatta shifokor bo‘lishini ta’kidlab o‘tdi.

Mana, biz mustaqilligimiz tengdoshlari, hur Vatanimiz tinchligini asrashga qodir posbon o‘g‘lonlar haqida qisqacha to‘xtalib o‘tdik. Agar anglagan bo‘lsangiz ular kelajakda turli hil soha vakillari bo‘lishga bel bog‘lagan olovqalb farzandlar, Vatan shani, Vatan shuhratini kiftida tutishga qodir o‘zbekning alp o‘g‘lonlaridir. Shoir so‘zi bilan aytganda:

O‘ziga bek erur – maslagi ulug‘,
Bobolari yanglig‘ sololgay dovrug‘,
Jahon maydonida qad rostlagan tug‘–
Bayroqdir o‘zbekning alp o‘g‘lonlari.

Ulug‘ ajdodlardan kelgan bu shuur –
Bu yurtning erlari hamisha mag‘rur,
Hamisha nor bo‘lgay, hamisha jasur,
Chaqmoqdir o‘zbekning alp o‘g‘lonlari.

Zulfiya YUNUSOVA,
«Vatanparvar» muxbiri.
Bahrom ABDURAHIMOV olgan surat.

МАЛАКА

Мустақилликнинг 18 йиллигига

МАРДЛИК, МАТОНАТ МАКТАБИ – БУ!

Бугун шуни қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, ёшларимиз учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш улкан орзуга, шон-шараф ишига айланиб улгурди. Ҳозирда қайсики ўғлоннинг кўнгил кечинмаларига қулоқ тутмайлик, орзу-ўйлари билан қизиқмайлик, кўпчилиги эгнига ҳарбий либос кийиб, Ватан ҳимоячиси бўлишга орзуманд эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол, эл корига камарбаста, эл-юрт манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйишга тайёр инсон сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабидир. Бугун халқимиз ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг Қуролли Кучларга нисбатан муносабати тубдан ўзгарди. Армияда посбонларнинг ўқиши, чиниқиши, ҳақиқий эр йигит бўлиб тобланиши учун барча шароитлар мавжудлиги, замон талаблари даражасида жиҳозланган ўқув-машғулот хоналарида соҳа сирларини ўрганишлари учун имкониятларнинг етарли экани, қолаверса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ўғлонлар ўқишга кириш, ишга жойлашишда қатор имтиёзларга сазовор бўлишаётганлиги кўнгилларда ҳавас ҳамда ифтихор туйғуларини алангалатади. Хизмат сафари билан Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлганимизда ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, замонавий билимларни пухта ўзлаштиришлари, маънавий-руҳий баркамолликка эришишлари, бундан ташқари, бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

ОТА-ОНА ОРЗУСИ

Улуғбек Қўқонов муддатли ҳарбий хизматга Наманган вилояти Мингбулоқ тумани мудофаа ишлари бўлимидан чақирилган. Муддатли ҳарбий хизматга қабул қилишда жорий этилган кўрик-танлов ва синовларда энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этган қаҳрамонимиз биринчилардан бўлиб зиммасидаги конституциявий бурчини ўташга йўл олди.

Посбоннинг отаси Абдураҳим ака узоқ йиллардан буён ташкилот, корхона ва уюшмаларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритиб келади. Айни пайтда тумандаги «Мададкор» машина-трактор паркига раҳбарлик қилиб келаётган бу инсон деҳқонлар томонидан минг бир машаққат билан етиштирилган ҳосилнинг нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиниши, белгиланган манзилга шикастсиз етказилишига катта ҳисса қўшиб келади. Меҳнатсевар, уддабурон, ишнинг кўзини биладиган раҳбардан барча ҳамкорлар мамнун.

Абдураҳим ака рафиқаси Азиза опа билан биргаликда икки ўғил бир қизни оқ ювиб, оқ тараб ўстириб келмоқдалар. Вақтни оқар дарё дейишади. Буни қаранг, кўз очиб-юмгунча фарзандларининг бўйлари чўзилиб, улғайиб қолишибди.

Ота-онанинг ҳаётидаги энг қувончли кунлардан бири бу шубҳасиз, ўртанча ўғиллари Улуғбекнинг муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилган кундир. Чунки ҳар иккаласи ҳам ҳеч бўлмаса ўғилларидан бирининг шарафли касбни танлашларини орзу қилишарди-да.

– Ватан ҳимояси – мардлар касби, – дейди посбоннинг отаси. – Ўғилларим дунёга келганида, ҳеч бўлмаса биттаси ҳарбий бўлишини истагандим. Шукрки, бугун қайсидир маънода ниятимга етдим. Улуғбек Ватан ҳимоячиси деган номга сазовор бўлиб, орзуимни ушалтирди. Ўйлайманки, у зиммасидаги бурчни шараф билан адо этиб, юзимизни ёруғ қилади.

– Оддий аскар Қўқонов қисмда ўқчи вазифасида хизмат қилади, – дейди сержант Аҳмад Элмуродов. – У интилувчанлиги, машғулотларда фаоллиги, ҳарб илмини ўрганишга бўлган иштиёқи, бурчига масъулиятлилиги билан сафдошларидан ажралиб туради. Мен айниқса, посбондаги илмга ташналик, изланувчанликни қадрлайман. Чунки ўз устида ишлашга, билимларини бойитиб боришга одатланган Ватан ҳимоячисидан келажакда кўп нарса умид қилса бўлади.

МАШҒУЛОТ – ПОСБОНГА ҚАНОТ

Юрт тинчлигини асраш, халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли ишга масъул ўғлонларнинг ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила оладиган посбонлар бўлиб етишишида машғулотларнинг қандай ташкил этилиши катта аҳамият касб этади. Ҳарбий қисм ҳаёти билан танишиш асносида назарий ва амалий машғулотларнинг юқори савияда ўтказилишига, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий билимларни пухта ўзлаштириб, шаклланишларига жиддий эътибор қаратиб келинаётганига амин бўлдик.

Жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари посбонларнинг касбий маҳоратини оширса, жисмоний тайёрлик машғулотлари ҳар томонлама чиниқишларида муҳим ўрин тутмоқда.

...Полигон. Бу ерда аскарлар билимларини синовдан ўтказишади, жанговар маҳоратларини оширишади.

Гуруҳ дала-ўқув машғулоти майдонида. Аскарлар қуролларини, ўзларига бириктирилган жанговар техникани шай ҳолатга келтириб, командир буйруғини кутишмоқда. Гуруҳ командири қўл остидаги посбонларга ўқ отиш, жанговар позицияни эгаллаш, қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш машқларини бажаришда нималарга эътибор қаратишлари лозимлигини уқтириб, уларни ўқув нуқталарига йўналтирди.

Нишонга отиш нуқтаси. Сержант Музаффар Мусурмонов зенитчилар гуруҳи билан белгиланган ҳудудда машғулот олиб бормоқда. Кичик командир маълум тавсияларни бергач, ўқув-назорат машқларини бошлашга рухсат берди. Посбонлар бирин-кетин ўз жойларини эгалладилар. Оддий аскар С. Назаров ва Ф. Қосимовлар командир буйруғига мувофиқ нишонни мўлжалга олишди. Биринчи уринишдаёқ машқ аниқ ва бехато бажарилди.

– Аскарлар бугун ўқ отиш тайёргарлиги, қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, жанговар позицияни эгаллаш бўйича маҳоратларини синовдан ўтказишди, – дейди Равшан Йўлдошев. – Машғулот давомида қайд этилган натижалар аскарларнинг билимлари бойиб, малакалари шаклланиб бораётганини кўрсатади.

САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Тиббий хизмат майори Ҳикмат Холмирзаев етакчилик қилаётган тиббиёт пунктида ўз касбининг ҳақиқий фидойилари хизмат қилишади. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик уларнинг фаолиятидан мамнун. Энг замонавий тиббиёт воситалари, асбоб-ускуналар билан таъминланган, етарли шарт-шароитларга эга шифо масканида малакали шифокорлар ҳарбийлар хизматида.

– Саломатлик – туман бойлик, деб бежиз айтмайди халқимиз, – дейди тиббиёт пункти бошлиғи биз билан суҳбатда. – Чунки тўрт мучангиз соғ бўлсагина руҳингиз тетик, меҳнатингиз унумли бўлади. Шарафли касб эгаларига хизмат кўрсатаётганимиздан мамнунмиз.

Тиббиёт пунктида ҳаётий тажрибага эга саломатлик посбонлари эндигина фаолиятини бошлаган ёш ходимларга соҳа сирларини қунт билан ўргатиб, тажрибалари билан ўртоқлашиб келишади.

– Посбонлар билан ишлаш мароқли, – дейди ҳамшира кичик сержант Муҳайё Шакарова. – Ватанимиз тинчлиги, осойишталигини қўриқлашга масъул инсонларнинг соғлиғи учун жавобгарлик ҳисси бизни касбимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди. Ҳарбий хизматчиларни тез-тез тиббий кўрикдан ўтказиб турамиз.

– Шифокорлик касбига меҳрим бўлакча, – дейди оддий аскар Умид Ашуров. – Ўзим шу касб эгалари оиласида туғилиб ўсганим учунми, болаликдан эгнимга оқ халат кийиб, беморларнинг дардига шифо бўлишни орзу қиламан. Шу боис мактабни битиргач, муддатли ҳарбий хизматни ўташга аҳд қилдим. Буни қарангки, ҳарбий қисм тиббиёт пунктида ҳайдовчи-фельдшер вазифасида хизмат қилмоқдаман. Ўз вазифамни адо этиш мобайнида бу ердаги малакали шифокорлардан соҳа сирларини ўрганишга ҳаракат қилмоқдаман. Бу билимлар келажакда асқотишига ишончим комил.

ЯХШИ ДАМ – ХИЗМАТГА ҲАМДАМ

Хизмат вазифаларидан бўш вақтларда, шунингдек, дам олиш кунларида посбонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига жиддий эътибор қаратиб келинади. Чунончи, белгиланган режага асосан турли интеллектуал ўйинлар, викториналар, театрлаштирилган томошалар уюштириб турилади. Бу каби тадбирлар посбонларнинг интеллектуал салоҳиятини оширибгина қолмай, маънавий дунёсининг бойишига ҳам хизмат қилмоқда.

Ҳарбий қисмда бўлганимизда ёзги дала-ўқув машғулотларида иштирок этаётган турли олий таълим муассасалари ҳарбий кафедралари курсантлари билан муддатли ҳарбий хизмат аскарлари ўртасида «Заковат» интеллектуал баҳси бўлиб ўтди. Унда учта жамоа – «Лочин» (Тошкент автомобиль йўллар институти), «Посбон» (Тошкент давлат техника университети) ва аскарлардан таркиб топган «Шунқор» жамоалари ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Иштирокчилар «Ватанимиз тарихини биласизми?», «Миллий қадриятлар ва адабиёт», «Қизиқарли викторина», «Умумҳарбий низомлар» каби шартлар бўйича беллашдилар. Ғоят қизиқарли ва муросасиз кечган баҳсда «Шунқор» жамоаси биринчиликни қўлга киритди. Иккинчи ўринга «Лочин», учинчи ўринга эса «Посбон» жамоалари сазовор бўлишди.

– Бу каби беллашувлар армияда олаётган билимларимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади, – дейди оддий аскар Акром Борасулов. – Гарчи бугун ўзимиздан ёш жиҳатдан ҳам, билим жиҳатдан ҳам устун рақиблар билан мусобақалашган бўлсак-да, бўш келмасликка интилдик. Жамоамиз энг илғор, билимли посбонлардан ташкил топгани, ўзаро жипслигимиз ва уюшқоқлигимиз ғалабамиз омили бўлди, деб айта оламан.

– Қисмда тез-тез спорт беллашувлари, жамоавий ва якка тартибдаги мусобақалар ўтказиб турилади, – дейди оддий аскар Аброр Каримов. – Айниқса, спортнинг енгил ва оғир атлетика турлари бўйича ўтказиладиган баҳслар кўпчиликнинг севимли машғулотига айланиб улгурган. Дам олиш кунларида клубда турли томошалар, фильмлар намойиш этилади. Истовчилар шахмат-шашка ўйнаб, ақлларини чархлашлари мумкин. Хуллас, мазмунли ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шароитлар мавжуд.

ХАЛҚ ВА АРМИЯ ЯҚДИЛ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида шундай дейилади: «...Армиямизнинг қудрати – аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустаҳкам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади».

Ҳарбий қисмда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» хайрия жамғармалари, ҳокимият идоралари вакиллари қисмда бўлиб ўтадиган тантанали маросим ва учрашувларда мунтазам иштирок этиб келишаётганлиги фикримизни тасдиқлайди.

– Давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали алоқаларни йўлга қўйганмиз, – дейди ҳарбий қисм тарбиявий ишлар бўлими масъул офицери Дилмурод Исроилов. – Посбонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, мамлакатимиз тақдири учун жон куйдирадиган, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга интиладиган авлод қилиб тарбиялаш мақсадида тез-тез ўтказиб турилаётган маънавий-маърифий суҳбатлар, ижодий учрашувларда бундайин ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Ҳа, Ватан ҳимоячиларининг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб шаклланишлари диққат марказимиздаги масалалардан. Зотан, ҳарбийликни шарафлаган, посбонини улуғлаган, қадрлаган эл ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири
Муаллиф суратга олган.

ЖАРАЁН

Дала-ўқув машғулотларида

ПОСБОН МАҲОРАТИ – ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ГАРОВИ

Айни кунларда қисм ва бўлинмаларда 2009-2010 ўқув йили режасига асосан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларни янада кўтаринки руҳда ўтказиш, шахсий таркибнинг билим ва маҳоратини, тажрибасини ошириш бўйича машғулотлар ўтказиляпти. Айниқса, юксак суръатларда давом этаётган дала-ўқув машғулотларида ҳарбий хизматчилар соҳалари бўйича пухта билим олишга интилишяпти.

Юртбошимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда изчил кечаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, кўнглимиз фахр ва ғурур туйғуларига тўлади. Юрт ҳимоячиси деганда, аввало кўз олдимизга ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки бир иш эмас, Ватани, халқи, истиқлоли олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган марду майдонларимиз гавдаланади. Армиямиз жанговар кучи, қудратини, ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу – унинг сафларидаги мард ўғлонларимиздир. Замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани моҳирона бошқариш, хавфсизлигимизни таъминлаш учун посбонларимиз юксак тайёргарликка эга бўлмоқлари лозим.

Шу боисдан ҳам ўтказилаётган дала-ўқув машғулотлари замирида шахсий таркибнинг юксак жанговар шайлиги, маҳорати ва билимини янада юксалтириш, замонавий техникаларни бошқариш ва ундан фойдаланиш бўйича тажрибаларини оширишдек мақсадлар ётибди.

Дала-ўқув машқлари бошланишидан олдин ўтказилаётган саф кўриги ҳам қўйилган вазифани мукаммал бажаришда муҳим омил ҳисобланади. Ҳарбий хизматчилар топшириқни бажариш учун ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр, шунингдек, моддий-ўқув база тўлиқ таъминланган бўлиши лозим. Бунинг учун ҳар бир посбон қўйилган топшириқнинг асл моҳиятини, мақсад ва вазифасини аниқ билиши керак. Саф кўриги давомида масъул офицерлар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлиги пухта текширилиб, камчиликлар ўз ўрнида тўғриланиб, зарур кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг, гуруҳлар жанговар вазифани бажаришга киришишди.

...Тоғ. Гуруҳлар ўзларига берилган йўналиш бўйича ҳаракат қилишиб, белгиланган масофада ҳаракатланишмоқда. Ҳаракат давомида қидирув амалга оширилиб, ҳар бир посбон вазифаси бўйича ўз йўналишини синчковлик билан кузатиб, командирга вазият ҳақида ахборот бериб турибди. Албатта, ёзнинг жазирама, иссиқ палласида тоғда ҳаракат қилиш бир мунча мураккаблик туғдиради. Бироқ ўз касбининг усталари бўлган посбонлар жанговар топшириқни юксак савияда адо этиш учун олға интилишмоқда.

– Ҳаракат мобайнида посбонлар турли қийин вазиятлардан чиқиб кетиш, қидирув, ҳудуд ва осмон жисмларига қараб ҳаракат қилиш, шартли душман аниқланганда қандай иш тутиш, ҳужум, чекиниш, маскировка, қулай позицияни эгаллаш каби машқларни бажаришяпти, – дейди гуруҳ командири офицер Файзулло Нурмонов. – Шунингдек, тоғ шароитида озиқланиш, турли булоқ ва кўлмаклар учраганда, ичимлик сувидан қандай фойдаланиш, умуман олганда чиниқиш машқларини ҳам бажариб, тажрибаларини янада оширишмоқда.

Гуруҳ командири харитадан шартли душман жойлашиши мумкин бўлган ҳудудларни аниқлаб, белги қўйди. Биринчи навбатда қидирувни ташкиллаштириб, шартли душман ўрнашган жойни топиш ва атрофга пистирма қўйиш керак. Гуруҳ посбонлари тоғ паст текисликлари бўйлаб ҳаракат қилишмоқда. Ҳар бир посбон маскировкага жиддий эътибор бериб, кўзга ташланмасликка ҳаракат қилишиб, йўналишда давом этишмоқда. Гуруҳ хавфсизлигини таъминлаш учун мерганлар кичик сержант Мустаким Абдуллаев ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ботир Собировлар ҳушёрликни янада ошириши, гуруҳни ён тарафдан ҳимоя қилиб боришмоқда. Шу пайт гуруҳ мергани кичик сержант М. Абдуллаев командирга алоқага чиқиб, тахминан минг метрлар узоқликда одамлар кўринаётганлиги ҳақида ахборот берди. Командир гуруҳни тўхтатиб, аниқланган кишиларнинг ҳаракатини кузатди ва гуруҳ алоқачиси кичик сержант Санжар Хидировга алоқа воситасини тайёрлашни буюрди. Командир алоқага чиқиб, вазият ва кузатилган шахслар тўғрисида ахборот берди. Керакли топшириқни олганидан сўнг, жанговар вазифани бажаришга киришди. Қўл остидагиларни учта кичик гуруҳга бўлиб, сездирмасдан кузатилган шахслар ҳаракат қилаётган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, пистирма ташкиллаштирди. Посбонлар командир кўрсатмасига биноан ҳаракат қилишиб, бегона шахсларни қўлга олишди. Ҳа, посбонларнинг ҳушёрлиги, сезгирлиги ва вазифаларига виждонан ёндашувлари халқимиз осойишталигини, юртимиз тинчлигининг ишончли ҳимоясини кафолатлайди.

– Офицер Ф.Нурмоновнинг жамоаси қисмдаги энг илғор гуруҳлардан бири ҳисобланади, – дейди майор Бобомурод Тожиев. – Гуруҳ командирининг масъулиятлилиги, билимдонлиги ва тажрибаси уларни илғорлар сафига олиб чиққан бўлса, қўл остидаги посбонларнинг уюшқоқлиги ва маҳорати ҳар қандай вазифани юксак савияда бажаришлари учун муҳим омил бўлмоқда. Бугунги дала-ўқув машғулотларини ўтказиш мобайнида ҳам гуруҳ шахсий таркибининг бир-бирини тушунган ҳолда, жипслик билан ҳаракат қилиши топшириқнинг аниқ, ишончли бажарилишини таъминлаяпти.

Дала-ўқув машғулотлари давомида посбонлар шунингдек, тоғ ва нишонга отиш тайёргарлиги бўйича ҳам машқларни бажаришади. Тоғ анжомлари ёрдамида юқорига кўтарилиш ва тушиш, арқонлар орқали дара ва ғорлардан, сув йўлларидан талафотсиз ўтиш машқларини бажаришса, отиш тайёргарлиги бўйича ҳаракатланаётган ва жойида турган нишонларга ўқ отиш, жанговар техникани граната ёрдамида ишдан чиқариш каби машғулотларни олиб боришади.

Биламизки, ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Дарҳақиқат, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафлари ҳар томонлама етук, ўз соҳасининг асл билимдони бўлган, ҳақиқий ватанпарвар, шарафли ва масъулиятли касбни ҳаётининг мазмуни, деб билган Ватан ҳимоячилари билан бутланган.

Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, бу каби дала-ўқув машғулотлари юрт ҳимоячиларининг юксак касбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, ўз халқига, Ватанига садоқатли ва матонатли посбон бўлишдек олижаноб туйғуга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.



Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Муаллиф олган сурат.

ОИЛА ГУЛШАНИ

МУҚАДДАС ОШИЁН – МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН

Севги нима ўзи? Уни баъзан кўнгил иши деймиз. Зеро, кўнгил Оллоҳнинг назаргоҳидир. Шунинг учун ҳам бир-бирига кўнгил берган инсонларнинг сиймосида илоҳий нурнинг зоҳир эканлигини кўрасиз. Шундагина кўнгилни-кўнгилга, инсонларни инсонларга боғлайдиган ришта ҳам аслида севги деб аталмиш муқаддас туйғу эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Минг йиллар илгари яшаган бир аллома кўнгилга шундай таъриф берган экан: «Яратган билан бошқа ҳамма зотлар орасида ҳижоб бордур ва лекин кўнгул билан Тангри таоло орасида ҳижоб йўқдур. ... мўминнинг кўнгли Каъбага ўхшар, Каъбага одам оёғи билан юриб борур, аммо кўнгул истаган инсон бу даргоҳга юзи билан юриб бормоғи керакдур. Шунинг учун ҳам ошиқлар юзини ерга сурадилар». Ҳа, муҳаббатда буюк қудрат мужассам. Бу қудрат эса ҳаётни гўзалликка чулғайди, севги, муҳаббат шевасини юксакликка олиб чиқади. Айниқса, бу туйғу оилада эр ва хотин ўртасида барқарор бўлса, уларнинг бир умрлик ҳаётларида тинчлик, осойишталик ва фаровонлик ҳукм суради.

Лавҳамиз қаҳрамонлари Обиджон ва Гўзалхонлар ҳам севишиб турмуш қурган жуфтлик. Бугун улар ҳарбий шаҳарчанинг энг ёш оилаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, инсон бахтга эришиши учун умр йўлининг бир қатор довонларини енгиб ўтиши керак бўлади. Булардан бири ҳар бир одамнинг ўзига муносиб касбу кор, ҳунар эгаллаши бўлса, иккинчиси ўзига муносиб жуфти билан умр йўлини боғлашидир. Мақоламиз қаҳрамонлари ҳам бу синовлардан аъло даражада ўтишган, дейишга ҳақлимиз. Кичик сержант Обид Сатторов кўп йиллардан бери Марказий ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида муҳандис-сапёр вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Рафиқаси Гўзалхон ҳамширалик касбини танлаган.

Обиджонда ҳарбийликка ҳавас муддатли ҳарбий хизмат мобайнида пайдо бўлди. Армия мактабининг синовларида обдон тобланган йигит ота-онаси бағрига қайтганидан сўнг ҳам келажаги шу мактаб билан узвий боғлиқлигини ҳис этиб турарди. Истаги ҳақиқий мақсадга айлангач, шартнома асосида хизмат бошлашга муваффақ бўлди. Кейин эса сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олди. Кичик командир ўқув машғулотларида ҳамиша илғорлар сафида. Шу боисдан ҳам жамоада тажрибали ва малакали ҳарбий хизматчи сифатида ҳурматга сазовор. Унинг аъло хизматлари муносиб баҳоланиб, жорий йил Президент Фармонига биноан Ватан ҳимоячилар куни муносабати билан «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

– Хизмат вазифамиз қай даражада масъулиятли бўлса, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳам шу даражада катта, – дейди Обиджон суҳбат чоғида. – Кўриб турганингиздек, қўмондонлик томонидан берилган барча қулайликларга эга уйда истиқомат қилаяпмиз. Албатта, ҳаётда муаммо ва камчиликлар учраб туриши табиий ҳол. Бироқ яшаш шароитимиз билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тезда ҳал этилади. Шунинг учун хизмат бурчимиз сабаб қаерда бўлмайлик оиламиздан кўнглимиз тўқ ҳолатда вазифамизни давом эттирамиз.

Лавҳамиз қаҳрамони кишилардаги энг гўзал инсоний фазилатларни бениҳоя қадрлайди. Бу фазилатлар унинг ўзига ҳам хос. У одамлар орасида ҳарбийлик касбининг шарафли томонларини ўз ҳаёти, хизмати мисолида кўрсата олган ҳарбий хизматчиларимиздан. Шу сабабли ҳам унга ҳавас қилиб, ўз ҳаётларини армия билан боғлаган йигитлар кўпчиликни ташкил қилади.

– Турмуш қурганимизга яқинда бир йил бўлади, – дейди Гўзалхон.– Турмуш ўртоғим бир сўзли, қатъиятли инсон. Мен уларнинг бу хислатларини қадрлайман. Ҳар доим фикримиз бир жойдан чиқади. Мен ҳаётимдан мамнунман. Биласизми, турмуш ўртоғи, оиласи келажагини ўйлайдиган аёл сабр-бардошли бўлиши ҳам лозим. Ёш оила бекаларига энг аввало сабр-бардошли бўлишларини тилайман. Умид билан яшашда гап кўп. Аёл кишининг орзу-ўйлари ҳам гўзал бўлиши керак. Ана шу гўзал орзу-ўйлар инсонга қанот бўлади, бир куни келиб ўз мевасини беради. Тўғри, ҳарбийнинг рафиқаси бўлиш осон эмас. Аммо бир-бирингизни тушуниб, бир-бирингизни ҳурмат қилсангиз оилада ҳеч қандай муаммо юзага келмайди. Ҳарбий ҳизмат шарафли ва машаққатли деб бежиз айтмайдилар ахир.

– Гўзалхонни ҳурмат қиламан, – дейди Обиджон. – У менга, яқинларига, ота-онамга жуда меҳрибон. Оилапарвар, пазанда ва ширинсўз аёл. Энг асосийси, бир-биримизни тушунамиз. Рўзғорни ҳар томонлама тўкинликда, ҳавас қиладиган даражада юритиб бориш учун эса аввало икки инсон бир-бирини тўғри тушуниши керак, деб ўйлайман. Гўзалнинг бир оғиз ширин сўзидан кўнглим кўтарилади.

Обиджон суҳбат чоғида Гўзалхондаги бу янглиғ фазилатларга алоҳида урғу бериб ўтди. Биз ҳам Гўзалхон билан суҳбат жараёнида турмуш ўртоғининг унга берган таърифи қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигига амин бўлдик. Юз-кўзларидан самимийлик балқиб турган бу оила бекаси Обиджонинг энг яқин кўмакчиси, маслаҳатдоши. Эл корига камарбаста бўлаётган йигит учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Зеро, шоир айтганидек:

Эр йигитга елкадошлик заҳмату шараф,
Ол гулларга муносибдир асли пойингиз,
Ёрингизни жасоратга туради чорлаб,
Ширин сўзу бир пиёла тутган чойингиз.

ИШБИЛАРМОН БЕКА

Аёл кишини безаб турувчи энг гўзал фазилатлардан бири унинг ҳунармандлигидир. Зеро, бирор-бир ҳунарнинг бошидан тутган аёлнинг рўзғори обод, ҳаёти ҳам фаровон бўлади. Шунинг учун бўлса керак, халқимизда ўғил уйлантирмоқчи бўлган ота-она аввало бўлажак келинининг пишир-куйдирдан, тикиш-бичишдан хабари бор-йўқлигини суриштиради. Чунки шу вазифаларни уддалаган қиз, турмушнинг паст-баландликларига чидаб, рўзғор юкини тортиб кета олади. Ахир айтишади-ку, сепли келин олма, эпли келин ол, деб. Эпли, удли-шудли аёл хонадонга кўрк бағишлайди.

Илм олишнинг эрта-кечи бўлмаганидек, ҳунар ўрганишнинг ҳам кечи бўлмайди. Биз Марказий ҳарбий округига қарашли ҳарбий шаҳарчада ташкил қилинган тикиш-бичиш курсида сабоқ олаётган ҳарбий оила бекаларининг тиккан кийим-кечакларини, уй-рўзғор буюмларини кўриб, хаёлимиздан ана шундай фикрлар ўтди. Аслида бирор-бир ҳунарнинг бошини тутишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг замирида қанчадан-қанча устозларнинг машаққатли меҳнатлари ётади. Ҳарбий оила бекаси Дилноза Ортиқова ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, кўплаб аёлларга тикиш сирларидан сабоқ бериб келаётган қўлигул чеварлардан. Мана бир йилдирки, у тикиш-бичиш тўгарагига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бугун Дилнозахоннинг шогирдлари чеварлик касбини мукаммал эгаллаган моҳир тикувчилар қаторидан жой олган. Улар тиккан либослар, замонавий услубда тикилган пардалар энг нозиктаъб аёлларнинг ҳам эътиборини тортади.

Биз Дилнозахон билан бундан бир неча ой олдин хизмат сафари чоғида учрашган эдик. Ўшанда ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Доно опа Абдуллаева ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган бекаларнинг бўш вақтларидан нималар билан машғулликлари ҳақида гапириб турибди: – Оила бекаларининг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун бичиш-тикиш тўгараги очилган. Тўгаракка раҳбарлик қилаётган Дилноза Ортиқова ҳам ҳарбий оила бекаси. Бугун унинг меҳнати туфайли кўплаб аёллар ҳунарли бўлишмоқда. Эндиликда биз Дилнозахоннинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида шаҳарчадан тўгарак учун жой тайёрлаяпмиз, – деган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Доно опанинг сўзлари ўз исботини топди. Аёлларни ҳунарли қилиш мақсадида дастлаб ўз хонадонида тўгарак очган бу аёл айни пайтда шаҳарчада ажратилган жойда ўз фаолиятини давом эттираяпти. Дилнозанинг турмуш ўртоғи шартнома бўйича хизмат сержанти Орзиқул Ортиқов мана бир неча йилдирки, ҳарбий соҳада хизмат қилмоқда. Дилноза Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежини тамомлаган.

У чевар хонадонида камол топди. Эсини танигандан онасининг тикув машинаси олдида кийим тикиб, ёки бўлмаса, қўлига игна-ип олиб, бирор матога кашта тикиб ўтирганини кўрган. Дилноза эса онасининг ёнида соатлаб ўтириб, оддий матодан гўзал ва бежирим буюм ва либослар яратаётган волидасининг чаққон ҳаракатларини диққат билан кузатар, назарида онаси унга эртакларлардаги сеҳргарлардек туюларди. Чунки оддийгина матолар онасининг меҳнати билан чиройли кийим-кечакларга, қийиқ ва ёстиқ жилдларига айланарди. Бу эса ёш Дилнозанинг қалбида тикувчилик касбига кучли меҳр уйғотгани рост.

– Чеварлик игна билан қудуқ қазишдек гап. Шу боисдан ҳам тикувчи биринчи навбатда сабр-тоқатли, чипакам ижодкор бўлиши, шу билан бирга гўзалликни тезда илғай олиши ҳам керак бўлади. У либос тикилаётган матонинг сифати, рангига қараб, андоза ола билиши керак. Бунда эса энг аввало кийим тиктираётган мижознинг ранги рўйи, қадди-қомати ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур. Ана шунда унга қандай бичим мос келишини дарҳол кўз олдингга келтирасан. Ёдингда тутгин, чеварга биринчи баҳо либосдаги чокларга қараб берилади. Шундай экан, ҳеч бир ишни қўл учида қилмагин, – Мдерди онаси. Дилноза онасининг ёрдами билан мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ тикиш-бичишни ўрганди. Биринчи ишини мато бўлакларидан турли уй-рўзғор буюмларини тикишдан бошлади.

– Биринчи устозим онажоним бўлади, – дейди биз билан суҳбатда Дилноза Ортиқова. – Онамнинг тиккан кийим-кечакларига қараб жуда ҳавасим келарди. Ана шу қизиқишим сабаб онамдан яширинча мато қийқимларидан қўғирчоқларим учун кийим тикардим. Кейинчалик «Машҳура» ўқув марказининг тикиш-бичиш курсида таҳсил олдим.

Тикувчи учун амалиёт катта мактаб вазифасини ўтайди. Яъни маҳорати янада сайқалланади. Энг асосийси, етук чевар даражасига етишади. Дилнозахон мустақил амалиёт давомида нафақат аёллар, балки эркаклар уст-бошларини, болалар кийим-кечаклари тикишни ҳам астойдил ўзлаштирди, билмаганларини ўрганди. Айни пайтда эса ўрганганларини курсда сабоқ олаётган аёлларга ҳам ўргатаяпти. Бир йил мобайнида ундан тикиш сирларини ўрганган аёллардан Мурувват Бегматова, Санда Ўлжабоева ва Нодира Файзуллаевалар мана бугун ўзлари мустақил кийим тикиш даражасига етди.

– Менда ҳам тикувчиликка қизиқиш кучли бўлгани сабаб Дилнозахон тўгарак очганида жуда қувонган эдим, – дейди биз билан суҳбатда Нодира Файзуллаева. – Бир йил давомида тўгаракка қатнашиб, кўп нарсани ўргандим. Босқичма-босқич ўтилган машғулотларда дастлаб чўнтак тикишни ўрганган бўлсам, кейинчалик болалар ва катталар кийимларини тикишни ҳам ўзлаштирдим. Энди ўзим мустақил равишда кийим тика оламан.

– Тўгаракка қатнаётганимга олти ой бўлди, – дейди яна бир ҳарбий оила бекаси Мурувват Бегматова. – Машғулотлар амалиёт билан бирга олиб борилаётгани учун менга жуда манзур бўлаяпти. Ҳозир парда тикишни ўзлаштирдим. Мен Дилнозахондан жуда миннатдорман.

– Аёлларимизнинг тикишга иштиёқи баланд, – дейди Дилноза Ортиқова. – Шунинг учун уларга астойдил сабоқ беришга интиламан. Агар улар хизматларим туфайли тикувчилик мақомига эришса, бу менинг энг катта ютуғим.

Бу сўзлар самимий инсоннинг юрак қўридан чиққан самимий сўзлари. Ҳа, ўзгаларга яхшилик соғинадиганларнинг ҳаёт йўллари ҳам нурафшон бўлади, дейишади. Аслида бир инсонга ҳунар ўргатишнинг ўзи яхшилик ва эзгуликларнинг энг аълосидир. Шундай экан, кўплаб аёлларга ҳунар ўргатиш орқали эзгулик улашаётган Дилноза Ортиқованинг бундан кейинги ишларига ҳам муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Саҳифани шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА тайёрлади. Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

МАСЛАҲАТ

Экономия и бережливость

КОНТРОЛЬ КАЧЕСТВА – НА ВЫСОКОМ УРОВНЕ

Экономное и бережливое использование материальных средств является одним из основных требований деятельности Вооруженных Сил Республики Узбекистан. При этом контроль над качеством горюче-смазочных материалов и специальных жидкостей становится одним из важных условий, обеспечивающих надежную, долговечную и безаварийную работу боевой и специальной техники.

Основной целью контроля над качеством горюче-смазочных материалов является недопущение применения на материальной части некондиционного горючего и использования его не по назначению.

Современную армию невозможно представить себе без боевой и специальной техники. Ведь мобильность и компактность нашей армии во все времена была и остается одним из главных задач поддержания боевой готовности Вооруженных Сил.

Деятельность Химмотологического центра горючего Министерства обороны Республики Узбекистан (ХЦГ МО РУ) направлена на обеспечение контроля над качеством горючего и специальных жидкостей при проведении лабораторного анализа как в полевых, так и в стационарных условиях.

ХЦГ МО РУ является единственным учреждением в системе управления обеспечением ГСМ, имеющим самое современное лабораторное оборудование, отвечающее всем требованиям при аттестации агентством «УЗСТАНДАРТ».

Одной из задач является проверка условий хранения горючего и состояния его качества на окружных и центральных складах горючего, в воинских частях и учреждениях МО РУ, подготовка и переподготовка начальников лабораторий и лаборантов войск ПВО и ВВС, а также специалистов для лабораторий баз (складов) горючего и воинских частей.

Обеспечение лабораторий баз (складов) горючего и воинских частей необходимым лабораторным оборудованием также входит в сферу деятельности ХЦГ.

– Проверка качества горючего в воинских частях проводится согласно плану, утвержденному начальником главного управления тыла Министерства обороны, – говорит капитан Йулдошбой Куббиев. – Для своевременного и бесперебойного проведения проверки качества горючего, применяемого в войсках, имеются подвижные лаборатории горючего, предназначенные для проведения контроля качества горючего в полевых условиях.

Лаборантами центральной лаборатории ГСМ ведется проверка условий хранения, а результаты лабораторного анализа являются основным заключением для дальнейшего хранения или использования горючего.

Лаборанты выезжают в командировки, где контроль качества горючего осуществляется в полевых условиях.

Кроме этого, согласно плану освежения и проведения лабораторного анализа, воинскими частями и учреждениями представляются пробы ГСМ и СЖ.

Из специалистов ХЦГ в лучшую сторону отмечаются – младший сержант Мамаражаб Холмуродов, служащие Вооруженных Сил Нина Дружинина, Шарипа Латипова и Диёр Кучкаров. Младший сержант М. Холмуродов является не только водителем подвижной лаборатории, но также и лаборантом. За годы совместной службы и работы военнослужащие и служащие центральной лаборатории ГСМ стали единым целым и сплоченным коллективом.

«Важнейшей задачей является оснащение армии современными видами вооружения и военной техники, призванными обеспечить ее высокую мобильность, маневренность и необходимую огневую мощь», говорится в праздничном Обращении к защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова. Поэтому наш долг обеспечить надежный контроль качества горючего при его хранении и правильном использовании в Вооруженных Силах.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.



ЗАҲАРЛИ ҲАШАРОТЛАР ВА ИЛОНЛАР ЧАҚИШИДАН САҚЛАНИНГ!

Дунё бўйича ўргимчаксимонлар ва чаёнлар оиласига мансуб заҳарли ҳашаротларнинг 35000 га яқин тури учрайди. Республикамизда учрайдиган чаён ва қорақурт бу синфари ҳашаротларнинг хавфлиларидандир. Бундай ҳашаротларнинг фаоллашуви кўпроқ ёз мавсумида кузатилишини ва уларнинг чақишидан эҳтиёт бўлишни мутахассислар маслаҳат беришади.

Чаёнлар иқлим шароити илиқ ёки иссиқ бўлган жойлардан макон тонган умуртқасиз ҳашаротлардир. Чаёнлар ҳеч қачон инсонга ҳамла қилмайди, аксинча уларнинг чақиши ўз-ўзини ҳимоя қилиш реакцияси, деб ҳисобланади.

Чаёнлар асосан, ёзнинг иссиқ мавсумида фаоллашиб, тунда овга чиқади. Уларнинг асосий озуқаси турли ўргимчаксимонлар, ҳашаротлар, ҳаттоки сичқонлар ҳам бўлиши мумкин. Чаёнларнинг табиий душманлари – қушлар, калтакесаклар, бешиктебратар ва айрим ўргимчаксимонлар ҳисобланади. Шу сабабли табиий душманлари бор жойларда уларнинг сони кескин камайиб кетади.

Чаёнлар очликка жуда чидамли бўлиб, бир неча ойдан бир ярим йилгача овқат ва сувсиз яшаши мумкин. Кундуз куплари улар тош ости, турли кемирувчиларнинг ини, ташландиқ бинолар ичи, ғорлар каби пана жойларда, чўлларда эса қум остига кўмилиб, яшириниб олишади. Ўзи учун номақбул (ўта иссиқ ёки совуқ ҳарорат) шароитда каталепсия (ҳаракатсиз) ҳолатига туша олиш қобилиятига эга. Мабодо одам билмасдан чаёнларни босиб олса, уларни ўлган деб ушламоқчи бўлса ёки тегиб кетса, улар ўз ҳимоя воситасини ишга солади, яъни ишини санчишга ҳаракат қилади. Ишини санчиб заҳар сочган чаён кўпи билан бир-икки кун муддат ўтгач ўлади.

Чаён чаққан жойнинг териси қизийди, қичишади, қизариб шишади, кучли оғриқ бутун танага тарқалади. Дастлабки соатларда томир тортишади, нафас олиш, ютиниш ва гапириш қийинлашади. Ушбу асоратлар икки-уч кун вақт ўтгач йўқолиши, баъзан чаён чаққан жойга қараб чўзилиши ва ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Ўргимчаксимонлар оиласига мансуб заҳарли ҳашаротларнинг кейинги вакили қорақурт республикамизнинг асосан чўл ва тоғолди ҳудудларида учрайди. Қорақурт – қорни қисмида қизил холлари бўлган қора рангли ўргимчак бўлиб, урғочиси ўртача 10–20 мм (эркаги 4–7 мм) узунликда бўлади. Уларнинг асосий яшаш жойлари бугдойзор, қамишзор, ариқ бўйлари, жар ёқалари, кемирувчилар ини, турли ёриқлар ва ҳ.к. ҳисобланади. Қорақуртларнинг асосий озуқаси турли хилдаги ҳашаротлар бўлиб, кўчиб яшаш хусусиятига эга ва уларнинг ушбу хусусияти ёзнинг июнь-июль ойларида энг авжига чиқади. Шу сабабли ҳам қорақурт чақиши кўпроқ ушбу ойларда учрайди.

Қорақуртларнинг табиий душманлари – қушлар, қовоғарилар, бешиктебратар ва айрим қонхўр қўнғизлар бўлиб, уларнинг нисбий сони табиий душманлари орқали табиатда мувозанатда тутиб турилади.

Вояга етган қорақурт урғочисининг заҳри бўғма илон заҳридан 15 баравар кучли эканлиги мутахассислар томонидан аниқланган.

Қорақурт чаққандан сўнг, орадан 10–15 дақиқа ўтгач кучли оғриқ пайдо бўлиб, бутун тана бўйлаб тарқалади. Одам қаттиқ ваҳимага тушади, оёқлар увуша бошлайди ҳамда кучли руҳий қўзғалиш ва қўрқув ҳисси, оёғида тура олмаслик, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриғи ва айланиши, нафас қисиши ва қалтираш аломатлари пайдо бўлади. Бундай ҳолат 10 кундан ортиқ давом этади.

Ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилган тақдирда, орадан 3–5 кун муддат ўтгач, бутун бадан териси бўйлаб тошмалар пайдо бўлади ва аҳволи яхшилана боради, тўлиқ соғайиш бир ойдан кўпроқ вақтгача чўзилади.

Республикамизда заҳарли илонлардан кўзойнакли илон (кобра), бўғма илон ва қум эфаси тоғолди ва қум зоналарида учрайди. Илонлар асосан ўрмон, ғор, тошлар ораси ва турли ёриқларда кун кечиради. Улар кўпинча қушлар, уларнинг тухуми, кемирувчилар, қурбақа ва ҳашаротлар билан озиқланади. Илонлар ҳеч қачон одамларга ҳамла қилишмайди, фақатгина ўзини ҳимоя қилиш мақсадидагина ташланади.

Илон заҳри – таркибида мураккаб биологик фаол бирлашмалар бўлган ферментлардан иборат бўлиб, заҳарнинг таъсир даражаси чаққан илоннинг тури, ўлчами, ёши, вазни, чаққан жойи ва тиббий ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилганлигига боғлиқ бўлади.

Илон чаққанда – бир неча дақиқа ичида илон чаққан соҳада кучли оғриқ ва уюшиш сезилиб, бу бутун аъзога тарқала бошлайди. Орадан 15–20 дақиқа ўтгач, умумий заҳарланиш аломатлари – оғиз бўшлиғининг қуриши, ташналик, уйқу келиши, қусиш, ич кетиш, талвасага тушиш, нутқ ва ютинишнинг бузилиши каби белгилар пайдо бўлади. Ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаган тақдирда, 1–4 соатлардан сўнг нафас мускулларининг параличи туфайли ўлим юзага келади.

Чаён, қорақурт ёки заҳарли илон чақиб шикастланган киши соя жойга олиб ўтилади ва кўп миқдорда ичимлик (чой, сут, минерал суви ёки оддий сув) берилади. Жароҳатни пичоқ билан кесиш, жгут билан бойлаш, заҳарни сўриб ташлашга ҳаракат қилиш ва куйдириш, спиртли ичимликлар берилиши қатъиян ман этилади.

Заҳарли ҳашарот ёки илон чаққан жойнинг териси остига 0,5%ли 3,0 мл навокаин эритмаси ва 0,1 %ли 0,3 мл адреналин эритмаси юборилиб, совуқ компресс (муз) қўйилади ёки преднизолон малҳами суртилади ва бемор зудлик билан даволаш муассасасига етказилиши лозим.

Шахсий таркибнинг дала шароитларида жойлашувида заҳарли ҳашаротлар ва илонлар чақишининг олдини олиш учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилиш тавсия этилади:

– тоғли ҳудудларда шахсий таркибнинг ҳаракатланиши жараёнида сўқмоқларни таёқлар ёрдамида текшириб бориш, иложи борича қўй подаси (илон ва ҳашаротлар қўй гўнги ва жунини хуш кўришмайди) ўтган сўқмоқларни танлаш;



– шахсий таркибни жойлаштириш учун бугдойзор, қамишзор, ариқ бўйи, жар ёқалари, ташландиқ бинолар, кемирувчилар инларига яқин бўлган жойларда иложи борича чодир ўрнатмаслик, мабодо чодир ўрнатилган тақдирда унинг четини кўмиб, атрофи бўйлаб қўй гўнги ёки жунини сепиб чиқиш;

– дала-ўқув машқлари жараёнида номаълум ҳашаротлар, илонлар учраган тақдирда, уларни ушлаб кўришга, тутишга ҳаракат қилмаслик, ҳамла қилишга тайёр турган ҳашаротлардан ва илонлардан дарҳол узоқлашиш;

– текширилмаган жойларда шахсий таркибга дам олиш учун вақтинча жойлашиш, кийим-кечак ва этикларни ечиш ва оёқ кийимисиз юришга рухсат бермаслик лозим.

Заҳарли ҳашаротлар ва илонлар чаққанда ўз вақтида зудлик билан тиббий ходимга мурожаат қилинади.

Унутманг, ҳарбий хизматнинг турли шароитларида эҳтиёткорлик ва хавфсизлик чора-тадбирларини амалга ошириш, белгиланган йўриқнома ва қоидалар талабларини бажариш орқали кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олдини оламиз, қолаверса, ўз ва шахсий таркиб соғлигини сақлаймиз.

Тиббий хизмат майори
Н. ТОШПЎЛАТОВ,
Мудофаа вазирлиги
санитария-эпидемиология назорат
маркази мутахассиси.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ТАРБИЯ – МУҲИМ МЕЗОН

Фарзанд ҳақида гап кетганда улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг унга «Меҳри анвар» – Меҳр нури, хонадонни чароғон қилувчи, дилларни равшанлаштирувчи, бахт-саодат олиб келувчи машъала деб таърифлагани ёдимга тушади. Ҳа, фарзанд ота-онанинг дил қувончи, ҳаётининг мазмуни. Агар фарзанднинг хулқ-одоби гўзал бўлса, бу ота-она учун ҳам чексиз бахт-иқболдир. Агар у одобсиз, тарбиясиз бўлса-чи? Бундай номақбул фарзанд умр заволи бўлади, ота-онанинг ундан кутаётган эзгу орзу-умидлари чил-чил синади, бахт-иқбол ўрнига иснод ва лаънат келади. Хўш, айтингчи, яхши ва ёмон фарзанд қандай пайдо бўлади? Яхшисида ҳалол, иймонли, покиза ота-онанинг қони борлиги учунми? Ёки ёмоннинг ота-онаси... Бундай мулоҳаза қилсак, «Қазисан, қартасан – асли наслингга тортасан» деган маъно келиб чиқади. Лекин илм соҳиблари бу мақолни инкор этиб: «Инсон боласи онадан пок туғилади, унинг яхши ёки ёмон инсон бўлиб камол топиши атрофдаги муҳитга ва энг асосийси оиладаги тарбияга боғлиқ» деган фикрни билдирадилар. Дарҳақиқат, ота-она ҳалол, диёнатли, иймон-эътиқодли бўлса, бу хислатлар улардан оилада камол топаётган фарзандлари руҳиятига кўчади. Зеро, ибрат намунаси тарбияда муҳим омил ҳисобланади. «Қуш уясида кўрганини қилади», бу мақолнинг маъноси – дунёга келган палапон ҳамма хатти-ҳаракатларни «ота-она» қушдан ўрганади дегани. Худди шу сингари фарзанд ҳам одоб намунасини биринчи тарбиячиси ота-онасидан, сўнг оиладаги ва атрофдаги катталардан олади.

«ЎҒЛИМ ЎҒРИ ЭМАС»

Мактабдан келган Жавоҳир унга югуриб кирди-ю, қўлидаги сумкасини хона бурчагига ирғитди. Сумка ичидаги китоблар ҳар томонга сочилиб кетди. Ўғлининг ҳаракатларини меҳр билан кузатиб ўтирган Моҳира опа унга ялинчоқ овозда танбеҳ берган бўлди:

– Жавоҳиржон, болам, бўйларингдан айланай. Энди катта йигит бўлиб қолдинг. Бундан буён сумкани ирғитмагин-да. Қара, китобларинг жуда титилиб кетибди. Мактабда бу китоблардан қандай фойдаланаяпсан? Ие, математика китобинг иккита бўлиб қолибдими? Бу кимники? – Моҳира опа муқоваси янги китобни қўлига олди ва ҳайрон бўлиб ўғлига қаради. Онасининг қўлидаги китобни кўрган Жавоҳирнинг ранги бироз оқарди. Кейин эса қўрқа-писа: – Алишерникини ҳазиллашиб олиб қўйгандим. Эртага албатта қайтариб бераман, – деди.

– Китобни олганингни ҳеч қайси ўртоғинг кўрмадими?

– Йўқ. Хонада ҳеч ким йўқ эди.

– Ҳеч ким кўрмаган бўлса, нима қиласан қайтариб бериб. Берма, уйда тураверсин. Янгигина экан.

Онасининг гапларини эшитиб Жавоҳирнинг юзига қон югурди ва хурсанд бўлиб кўчага отилди. Эртасига китоб ҳақида Алишерга лом-мим демади. У эса китобни йўқотгани учун устозидан қаттиқ дакки эшитди. Шунда ҳам Жавоҳир индамади. Ахир онаси айтмагин, деган эди-да...

– Ўғлингиз яна боққа ўғирликка кирибди. Дарахтларни синдириб, пишган меваларни ерга қоқиб ташлабди. Тергасангиз бўлмайдими? Мева ҳам егулик, унинг уволи бор. – Қишлоқ чеккасидаги боққа қоровуллик қиладиган Султон аканинг бу гапидан Моҳира опанинг газаби қўзиди.

– Ўғлим ўғирлик қилмайди. Сиз ёлғон гапирманг. Нимага энди менинг ўғлимга ёпишиб олдингиз? Ўтган гал индамаган эдим. Буниси ошиб тушди. Отаси йўқ, хоҳлаганимча уриб, адабини бераман, деб ўйлагансизда-а? Чучварани хом санабсиз, мен уни сиздақаларнинг қўлида хорлатиб қўймайман. Яна бир бор айтаман, Жавоҳир ўғирлик қилмайди. – Моҳира опанинг юзсизларча айтган гапидан Султон аканинг кўнгли оғриди.

– Ҳой келин, ўзим кўрдим-ку. Ҳали кўзим яхши кўради, одамни-одамдан ажрата оламан. Сиз она бўлиб унга насиҳат берсангиз бўларди. Ўғлингиз уйда бўлса, чақиринг, ўзи билан гаплашамиз.

– Жавоҳиржон, бу ёққа чиққин, болам. Султон амакингнинг сенда гапи бор экан. – Моҳира опа деразани очиб уйда ухлаб ётган ўғлини чақирган бўлди.

Ичкаридан Жавоҳир чиқиб келди ва на салом, на аликсиз, нима ишингиз бор, дегандек Султон акага безрайганича тикилиб тураверди.

– Болажоним, ўғирлик қилмаганингни амакингга айтгин. Ҳар доим боғда мева тўкилса, бизникига югуриб келади бу одам, тавба.

– Мен ўғирлик қилмадим, – деди Жавоҳир ҳам без бўлиб. Лекин у ростдан ҳам боққа ўғирликка кирган, мевалардан уйларига ҳам бир этак қилиб олиб келган эди.

– Ана айтдим-ку, менинг болам ҳеч қачон ўғирлик қилмайди, деб. Сиз унга туҳмат қилманг. Балки меваларни ўзингизнинг невараларингиз, келинларингиз қоқиб уйингизга олиб кетгандир. Сиз эса раиснинг билиб қолишидан қўрқиб, бу айбни Жавоҳиримнинг бўйнига иляпсиз.

– Худодан қўрқинг, келин. Мева керак бўлса, ана ҳовлим тўла мевали дарахт. Невараларимнинг ўғирлик қилишига ҳожат ҳам йўқ. Агар шундай қилган тақдирда уларни қандай жазолашни ўзим билардим. Сиз бир мишиқининг гапига ишонаяпсиз-а?

Султон ака тушундики, бу аёл барибир ўғлининг айбини тан олмайди. Шунинг учун ҳафсаласи пир бўлди. – Майли, бўлар иш бўлди. Агар ўғлингиз яна бир марта боққа ўғирликка тушадиган бўлса, ўзингиздан ўпкаланг. Аяб ўтирмайман.

Султон ака бу хонадондан дили хуфтон бўлиб чиқиб кетди. Моҳира опа эса қувончдан кўзлари порлаб, Жавоҳирни бағрига босди:

– Бу мияси айниган чол ҳар нимани гапираверади. Нима, боғ унинг шахсий мулкимиди-ки, қўрийди. Ўзимнинг тойчоғим, мева ейишга боравер. У чол сенга бир нима қилиб кўрсин-чи, нима қилар эканман. Мен бор эканман, сени ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман.

Бу пайтда Жавоҳир ўн икки ёшда эди...

Онасининг «қўллаб-қувватлашлари» туфайли у ўғирликка меҳр қўйиб улғайди. Мактабда ҳам ёлчитиб ўқимади. Юқори синфга ўтганда ўқишни ташлаб кетди. Шаҳардан ўзига ўхшаган хамтовоқлар ҳам топди. Ўн беш ёшида қўшниларининг омборига ўғирликка тушиб, буғдой ўғирлади. Ўғирланган буғдойни бозорга олиб чиқиб арзон-гаровга сотди, кейин эса пулини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Анча вақт шериклари билан бозорда киссавурлик қилди. Ўғлининг чўнтагидаги даста-даста пулларни кўрган Моҳира опа Жавоҳирдан бу пулларни қаердан олдинг, деб тергамади. Уйга кеч келганда койимади, ўртоқларининг кимлар эканлиги билан қизиқмади. Бу эса Жавоҳир учун айни муддао бўлди. Энди у шериклари билан катта-катта ўғирликларга қўл ура бошлади. Жуда кўп хонадон соҳибларини қон қақшатди. Охирги марта шаҳарда Аваз бойвачча деб танилган дўкондорнинг хонадонига ўғирликка тушишди. Кейин эса Миразиз бизнеснинг уйини тунашди. Аммо кўза кунда эмас, кунида синади деганларидек, ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли ўғрилар ҳибсга олинди.

– Йўқ, ўғлим ўғри эмас. Унга туҳмат қилишаяпти. Болажоним, қандай кунларга қолдик. Жон акалар, менга раҳмингиз келсин. Ўғлимдан бошқа суянчиғим йўқ. Унинг қамалиб кетишига чидолмайман, – суд залида Моҳира опа Жавоҳирни авф этишларини сўраб, ялиниб-ёлворди. Аммо ғишт аллақачон қолипдан кўчган эди. Суд гуруҳдаги йигитларнинг ҳали балоғатга етмаганликларини ҳисобга олиб жазони енгиллаштирди, улар беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Бу ҳукмни эшитган Моҳира опа эсдан оғай деди. Дод-вой солди. Фарёд чекиб йиғлади. Шунда ҳам у фақат бир сўзни такрорлар эди: « Ўғлим ўғри эмас. Унга туҳмат қилишаяпти».

ЭРКАЛИК ОҚИБАТИ

Гулчеҳра бувисининг қўлида катта бўлди. У бувисининг бош невараси эди. Шу боис жуда эрка бўлиб ўсди. Бувиси уни эрта билан уйғотмас, кун ёйилиб кетганда ҳам «ухла, қизим, ухлайвер, ҳали эрта» деб туришга қўймасди. Бирор юмуш қилишга-ку, умуман изн бермасди. «Сен ўзингни уринтирма, ана ойинг қилади», дерди бувиси ҳар доим. Ана шундай пайтда келини Ирода опанинг жаҳли чиқарди.

– Ойижон, уни бунчалик эркалатманг. Ахир қиз бола бўлса. Эртага бирор хонадонга келин бўлса, ўзига қийин бўлади-ку. Қайнонаси сизга ўхшаб эркалатиб олиб ўтирармиди. Уй юмушларини қилсин, дейди. Ишёқмас келин кимга ҳам ёқарди, ўзингиз ўйланг.

– Ким айтди сенга Гулчеҳрани ишёқмас бўлади деб. Ҳали катта бўлса бир қиз бўлсин, бир қиз бўлсин. Уйимиздан совчилар аримай қолади. Мана мен турмушга чиққунимча овқат қилишни ҳам билмасдим. Ҳамма юмушни қайнонам раҳматлидан ўрганганман. Шунинг учун сен ҳеч ташвиш тортма.

Шундан кейин Ирода опа бу мавзуда бошқа гап очмади. У барибир қайнонасига гап уқтириб бўлмаслигини биларди. Шунинг учун бор дардини ичига ютишга мажбур бўлди. Бориб-бориб Гулчеҳра ялқовликка ўрганди. У уй юмушларини бажаришни умуман ёқтирмасди. Онасининг жаврашларини эшитса ҳам ўзини эшитмаганга олиб, бувисининг ёнига югуради. Бувиси эса унинг учун ягона нажоткор эди. Ҳар куни эрталаб кўзини очади-ю, ювиниб келиб, бувиси тайёрлаб қўйган нонуштани ейди-да мактабга югуради. Тушликда эса яна шу ҳол такрорланади. Эшикдан кириб келган неварасини кўрган бувининг чиройи очилиб, айланиб-ўргилади. Овқатлантириб бўлганидан кейин эса «бироз мизғиб ол» деб, жой солиб беради. Тушдан кейин уйқудан турган Гулчеҳра кўчага чопади. Унинг ҳар куни мана шундай ўтарди. Ҳаш-паш дегунча йиллар оқар сувдек ўтиб кетди. Гулчеҳра ҳам балоғатга етди. Мактабни битириб олий ўқув юртига кирди. Лекин у буви учун ҳали ҳам ёш бола эди. Бу пайтда қизлар уй юмушларидан тўлиқ хабардор бўлишади. Аммо Гулчеҳра ҳатто кир ювишни ҳам билмасди. Бир куни бувиси қишлоқдаги қариндошлариникига кетганда онаси унга мажбурлаб кир ювдирди.

– Вой шўрим, нималар қилиб қўйдинг, қизим. Буларнинг рангини бир-бирига чаплаштириб ташлабсан-ку. – Ирода опа қизи ювган кирларни кўриб, асабийлашди. –Мана бу кийимларни бир қара, ҳаммасига ранг ўтиб қолибди. Ранги чиқадиган кийимларни охирида ювиш керак эди. Яна кири ҳам кетмабди-ку. Энди нима қиламиз. Сенга кир юв деб айтмай мен ўлай. Тур ўрнингдан, ўзим ювaман.

Гулчеҳранинг юзи ёришди. Ўрнидан туриб онасига жой бўшатиб берди.

– Нима, мен бир-иккида кир ювиб юрганмидим-ки, иш буюрасиз? Яна жаҳл ҳам қиласпсиз.

– Ҳой қиз, нималар деяпсан. Сен энди ёш бола эмассан. Уй юмушларига уринсанг, ўзингга яхши бўлади. Ҳадемай турмушга берамиз. Сен кейинги ҳаётингни ўйласанг бўларди. Келинлик уйингда ҳеч ким сени бувингга ўхшаб эркалаб ўтирмайди. Буни турмуш деб қўйибди.

Гулчеҳра индамади. Унга онасининг гапи ёқмади. Бу ерда турса ҳали онаси кўп жаврашини билиб уйга кириб кетди. Ирода опа эса кир ювди, уй йиғиштирди, кейин эса кечки овқатга унпади...

Гулчеҳранинг ҳаёти аввалгидек давом этарди. Кўзини очади, институтга чопади. Ўқишдан келади-ю, яна уйқуга кетади. Уйқудан туриб, овқатланади ва дарс қилади. Қарабсизки, кун кеч бўлади.

Институтни битириш арафасида уйларига совчи келди. Ёшлар бир-бирига маъқул келиб, нон синдирилди.

– Ойи, Гулчеҳра оилани қандай эплар экан. Эплаб кета олармикан? – Ирода опа хўрсиниб қайнонасига қаради. – Уй ишларига умуман уқуви йўқ-ку.

– Нега уқуви бўлмас экан. Ўрганади. Олдинда бутун бир ҳаёт турибди. Ҳаётнинг ўзи ўргатади.

– Ўзида қизиқиш бўлса ўрганади-да. Унга иш қил десангиз, юзини тескариб юради. Ҳеч бўлмаса энди тўйгача ўргансин.

– Йўқ, сен унга бунақа шарт қўйма, чарчайди. Яхшиси дам олсин.

– Ахир ойи...

– Бўлди гап тамом, вассалом.

Ирода опа қайнонасининг юзига тикилганича қолаверди...

Тўй бўлиб ўтди. Орадан ўн кун ўтди. Бу вақт ичида Гулчеҳра уй ишларини қилишга жуда қийналди. Айниқса, эрта туриб ҳовли супуриш унинг учун азоб эди. Уйқули кўзларини базўр очади ва супургини қўлига олиб, ҳовли супуришга тутинади. Қўллари қавариб, яра бўлиб кетди. Ахир у умрида бирон марта ҳам ҳовли супурмаган эди-да. Бошқа юмушларни қилишда ҳам ишга нўноқлиги панд берди. Қайнонаси унинг ҳеч бир ишга уқуви йўқлигини билиб, бир бошидан ўргатмоқчи бўлди. Лекин бу Гулчеҳрага ёқмади. Унда хоҳиш йўқ эди. Онлада эрка, тантиқ бўлиб ўсган қиз ҳали ҳам рўзғор масъулиятини ҳис қилмасди. Унинг турмуш, рўзғор ҳақидига тасаввурлари енгил-елпи эди. Шунинг учун қайнонасининг юмуш бажариш чоғида берадиган маслаҳатларидан жаҳли чиқарди. Бориб-бориб қайнонасини ёмон кўриб қолди. Қайнонаси иш буюрса, атайлаб тескарисини бажарадиган одат чиқарди. Икки ўртада жанжал чиқди. Жанжалга Гулчеҳранинг турмуш ўртоғи ҳам аралашди. Уни инсофга чақирди.

– Йўқ, қайнонам билан битта ҳовлида яшамайман, – деди бир куни онасиникига келган Гулчеҳра йиғлаб-сиқтаб. – Бошқа у уйга бормайман.

– Нималар деяпсан, қизим. Энди сен ёш бола эмассан. Одамлар эшитса нима дейди. Турмуш қурганингга энди олти ой бўлган бўлса. Ораларингдан бирор гап ўтдими, гапир-чи? – Ирода опа қизининг оғзига тикилди.

– Улар ҳамма ишимдан айб топади. Менга ақл ўргатади.

– Қайнонанг бўлганидан кейин ўргатади-да, сени ўргансин дейди. Ўзинг ҳам уй ишларини қойиллатмаётгандирсан.

– Бажараяпман-ку. Лекин қайнонамга ёқмайди.

– Қизим, энди чидашга мажбурсан. Сен энди...

– Йўқ, чидолмайман. Ойи, бошқа гапирманг. – Гулчеҳра йиғлаб қўллари билан юзини бекитди...

Бувиси ҳам Гулчеҳранинг тарафини олди. Гулчеҳрани «шу кўйга» солган қайнонани ёмондан олиб ёмонга солди, роса жавради. Дадаси ҳам онасидан ўтиб бирор гап деёлмади. Шундай қилиб Гулчеҳра уйида қолди. Бу орада бир ҳафта ўтиб кетди. Шу вақт оралиғида қайнонаси-ю, турмуш ўртоғи бир неча бор келиб кетди. Лекин Гулчеҳра қайтиб бормади. У турмуш йўлида учрайдиган арзимас муаммоларга дош беролмаганди. Ачинарлиси, улкан орзулар ила катта ҳаёт остонасига қадам қўйган икки ёшнинг оиласи шу арзимас муаммолар туфайли дарз кетди. Бу Гулчеҳранинг энг катта бахтсизлиги эди...

Гулнора МУРОДОВА.

АВТООЛАМ

ЮРТИМИЗДА ЯНГИ АВТОБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ

Самарқанд автомобиль заводида SamAuto LE 60 русумли, саккиз метрли, паст полли (Low-entry) автобус ишлаб чиқарилди. Компания сайтида хабар қилинишича, SamAuto LE 60 автобусига 65 нафаргача йўловчи жойлашади, унинг тўлиқ оғирлиги эса 9,8 тоннага тенг.

Автобус кенг ва шинам салонга, қулай ўриндиқларга эга. Шунингдек, янги автобус йўловчиларга қулай бўлиши учун бекатларда машинани ўнг ёнбошга оғдириш имконини берувчи тўлиқ бошқарилувчи пневматик илгич (подвеска) ҳамда чекланган имкониятларга эга бўлган кишиларга автобусга чиқишларида ёрдам берувчи аппарель билан жиҳозланган.

Европа ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилган кучланиш агрегатлари – Deutz дизель двигатели, ZF узатмалар қутиси, орқа кўприк ва RABA русумли олд илгич автобуснинг равон юришини таъминлайди.

Мустақил олд илгич ҳам машинанинг юмшоқ юришига ёрдам беради. Тормоз хавфсизлигини эса WABCO компаниясида ишлаб чиқарилган ABS ва ASR русумли тормоз тизимлари таъминлайди.

По данным пограничников, судно, на котором находилось от 160 до 200 человек, перевернулось у побережья островов Теркс - британской заморской территории в Карибском море, передает РИА «Новости».

Сорок человек нашли убежище на коралловых рифах. Их сняли спасатели.

Задержаны предположительно виновные в крушении поезда

Хорватская полиция арестовала восемь человек, предположительно виновных в крушении пассажирского поезда под Сплитом, передает РИА «Новости» со ссылкой на AFP.

Напомним, поезд Intercity сошел с рельсов 24 июля в труднодоступной местности близ Сплита, погибли шесть человек, более 50 получили ранения разной степени тяжести, 13 из них до сих пор находятся в больнице.

В Афинах подожгли офисы семи политических партий

Неизвестные подожгли минувшей ночью в Афинах семь офисов политических партий Греции.

Пострадали районные отделения правящей партии «Новая Демократия», оппозиционного социалистического движения ПАСОК и ультраправой партии ЛАОС, передает РИА «Новости».

Неизвестные забрасывали здания бутылками с зажигательной смесью или устраивали поджог при помощи самодельных взрывных устройств. Зданиям нанесен материальный ущерб, пострадавших не было.

Мама американских «восьмерняшек» снимется в шоу

Американка Надя Сулеман, родившая в январе сразу восьмерых детей, намерена вместе с семьей сняться в реалити-шоу. Согласно контракту, в съемках примут участие все ее дети - 14 человек.

Камеры не будут следить за детьми круглосуточно, телевизионщики в течение трех лет станут фиксировать лишь главные события в жизни семьи. Всего дети должны заработать 250 тыс. долларов. 15% заработанных денег поступят в специальный фонд, доступ к которому дети получат по достижении 18 лет.

Nissan представляет 54-сильный электрокар на базе Tiida

В понедельник в Японии автоконцерн Nissan представил прототип электромобиля, построенный на базе модели Tiida. Название новинка получила EV-11.

Максимальная мощность электрического мотора составляет 54 л.с. Энергия для него поступает с компактной литий-ионной батареи, которая вырабатывает 24 киловатт-часа. Аккумулятор подзаряжается в процессе езды, его полной емкости может хватить для преодоления более 160 км, передает Drom.ru.

(www.NEWSru.com)

ЭЪТИРОФ

ИСЛОҲОТЛАРДАН БОШ МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Тошкентда 20-21 июль кунлари “Замонавий Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар: бугунги аҳвол ва истиқбол” мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва Европа халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Буюк Британия, Германия, АҚШ, Япония, Голландия, Ҳиндистон, Россия, Украина, Туркия, Эрон, Хитой, Қувайт, Покистон ва Марказий Осиё давлатларидан экспертлар иштирок этди. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, жамиятни модернизация қилиш ва демократик янгилашнинг асосий йўналишлари, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини муҳокама этдилар.

Форум иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларида Ўзбекистон шароитида амалда синалган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг “ўзбек модели” республикамизни барқарор, изчил ва жадал ривожлантиришни таъминлаётгани алоҳида қайд этилди. Мамлакатни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ушбу модели, унинг машҳур асосий беш тамойили ўзининг муҳимлиги ва истиқболли эканини амалда исботлади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий соҳани ислоҳ қилиш борасидаги ўзига хос тажрибаси халқаро экспертлар ва сиёсий доиралар эътиборини янада кўпроқ ўзига жалб этмоқда.

Форумнинг хорижий иштирокчилари мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида тизимли ҳамда изчил амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасида самарали фаолият кўрсатадиган мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш тизими, хусусан, мустақил парламент, суд тизими ташкил этилганини таъкидладилар. Амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясини рўёбга чиқариш борасида қўлга киритган ютуқларидан далолатдир. Ўзбекистонда жойларда муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг кўламли ваколатларга эга бўлмоқда, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилди. Мамлакатимизда энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими шакллантирилди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларида сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожланаётгани мамлакатни тараққий эттириш бўйича танланган моделнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини исботлагани қайд этилди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрилаётган ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ва ижтимоий дастурларда кўзда тутилган тизимли чора-тадбирлар мамлакатимизга глобал иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал секторини жадал ва мувозанатли ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш имконини беради.

> МАМЛАКАТИНГИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА ВА МУВОЗАНАТЛИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ТУФАЙЛИ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕЯРЛИ ТАЪСИР КЎРСАТГАНИ ЙЎҚ. ДАВЛАТ БОШ ИСЛОҲОТЧИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОННИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТАМОЙИЛИ ЎЗИНИ ТЎЛА ОҚЛАДИ. ЖАҲОНДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН ДАВЛАТ ВА УНИНГ ТУЗИЛМАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ТУРИШГА ҚОДИР ЯГОНА КУЧГА АЙЛАНГАН ВАЗИЯТ ТАНЛОВНИНГ ТЎҒРИЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Форумда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши таъкидланди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда мустақил суд ҳокимиятининг яхлит тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва у муваффақиятли ҳал этилди. Жиноий жазолар тизимини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини босқичма-босқич ҳамда изчил эркинлаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, “Хабеас корпус” институти фаол жорий этилмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари устуворлигини, уларни ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Қуйида халқаро давра суҳбати чет эллик иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларидан парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

Кларк Плексико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ): “Ўзбекистонни демократик янгилаш йўналишида ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мени ҳайратга солди. Ушбу тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатингиз кўплаб ютуқларга эришди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқаролик жамиятининг демократик қадриятлар ва принциплар, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Демократия концепция сифатида турли босқичли ривожланиш жараёни ҳисобланади. Бу борада ҳеч ким бир хил поғонада турмайди ва ҳеч ким ушбу йўлдан бир хил сурьатда олдинга ҳаракат қилолмайди. Энг муҳими, барчамиз битта йўналишда ҳаракат қиляпмиз. Халқаро амалиёт сайловларни шунчаки ўтказиш демократия эмаслигини кўрсатди. Демократик ривожланиш муайян мамлакатлар тарихи, иқтисодиёти ва маданиятини ҳисобга олиши лозим. Барча мамлакатларнинг бир хил демократик модель бўйича ривожланишини кутиш мантиққа зид”.

“Минтақавий мулоқот” нодавлат ташкилоти директори Мьюша Север (Словения): “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат қурилиши, иқтисодиёт соҳасида улкан ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатингизнинг, биринчи навбатда, ўлим жазосини бекор қилиш, Жиноят кодексини эркинлаштириш борасидаги ютуқлари кўпгина мамлакатлар учун намуна бўла олади. Ўзбекистон катта салоҳиятга эга ва сиёсий барқарорлиги, кучли давлатчилиги, аҳолисининг ёшлиги ва интеллектуал салоҳиятининг юксаклиги ҳамда ривожланган инфратузилмага эгалиги туфайли минтақадаги етакчи давлат ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жумладан, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мактаб дастурларидан жой олди, унинг амалга оширилиши эса давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Парламентнинг ролини кучайтириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Давлат ва нодавлат ташкилотлар айни пайтда биргаликда ишлаш зарурлигини тушунади. Ўзбекистон модели сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин”.

Детлав Краа, “Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияни ривожлантириш” бирлашмаси раҳбари: “Ўзбекистонда сиёсий партиялар тобора фаоллашаётгани кўзга ташланмоқда. Улар ўртасида кузатилаётган очиқ баҳслар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Булар бўлажак сайловлар ва парламент фаолиятининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлаш имконини беради”. Шунингдек, эксперт таъкидладики, “тадрижий ислоҳотларнинг муваффақиятли сиёсати Ўзбекистонга иқтисодий талотумлардан қочиш, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш имконини берди. Мамлакатингизда амалга оширилаётган оқилона ва мувозанатли иқтисодий сиёсат туфайли жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистонга деярли таъсир кўрсатгани йўқ. Давлат бош ислоҳотчи этиб белгиланган Ўзбекистонни иқтисодий ислоҳ қилиш тамойили ўзини тўла оқлади. Жаҳонда юзага келаётган давлат ва унинг тузилмалари молиявий инқирозга қарши туришга қодир ягона кучга айланган вазият танловнинг тўғрилигидан далолат беради. Давлат бош ислоҳотчи сифатида замонавий фуқаролик жамияти барпо этиш учун ҳам масъулдир. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган. Бу борада иқтисодиётни диверсификация қилиш ва саноатни ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда”. Унинг сўзларига кўра, бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. “Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати янада кенг эътироф этилмоқда. Бугун бутун жаҳон янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга интилмоқда”, деди эксперт.

Баҳром Амираҳмадиён, Теҳрон университети ўқитувчиси, Россия, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш бўйича “ИРАС” марказининг илмий кенгаши аъзоси: “2007 йили Ўзбекистонда ўтган Президент сайловида тўрт нафар номзод иштирок этган эди. Бу сайлов жараёнининг ошкоралигидан далолат беради. Сайлов барча жойда тўғри ўтказилди, фуқаролик жамияти институтлари вилоятларда фаол ишлади. Ўзбекистон ислом динининг маданий пойтахтидир. Бугунги кунда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг кўплаб ижобий натижалари кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон миллий ҳамжиҳатлиги, ўзига хослиги билан минтақадаги энг кучли ва илғор мамлакатга айланишга қодир. Ўзбекистонда одамлар ўз давлат раҳбари ва ҳукуматига ишонади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ва ҳукумат ўртасидаги мустаҳкам ишончдан далолатдир. Кўплаб мамлакатларда иқтисодий инқироз авж олганига қарамай, давлатингиз нафақат иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритишига, балки унинг юқори ва муттасил ўсиш сурьатларини таъминлашга эришди”.

Антон Фенько, Киев сиёсий тадқиқотлар ва конфликтология марказининг етакчи эксперти (Украина): “Ўзбекистонда профессионал парламентга, пухта ташкил этилган кўп партияли тизимга ўтиш билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Айнан партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Олий Мажлис қуйи палатасига сайловлар тўғрисидаги қонунга киритилган охирги ўзгартиришлар ҳам бундан далолат беради. Шу тариқа, энди ташаббускор гуруҳлар эмас, балки фақат партиялар сайловларда иштирок этади. Менимча, бу ижобий ҳолат, негаки сиёсий тизимнинг ташкилий даражаси партия таркибий қисмининг кучига боғлиқ. Қонунчиликда парламентдаги кўпчилик институти ҳуқуқий мустаҳкамланган ва мухолифат ҳуқуқлари белгиланган. Парламент фракцияларининг вазифалари қайд этилган. Ошкораликка асосланган сиёсат воситаларини мустаҳкамлаш демократик жараённи ривожлантиришни рағбатлантиради. Сиёсий партиялар эса уларнинг энг муҳимидир”.

Гулшан Сачдева, Ж. Неру номидаги университет профессори, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари бўйича эксперт (Ҳиндистон): “Ўзбекистон сўнгги 10-15 йил мобайнида демократлаштириш борасида улкан тараққиётга эришди. Кейинги бир неча йилда Ўзбекистонда ўтказилган сайловлар шуни кўрсатдики, аҳоли сайловлар жараёни, сайловларда фаол иштирок этишдан кўриладиган манфаат ҳақида янада кенгроқ хабардор бўлмоқда. Бу борада аҳолининг фаоллиги кўзга ташланаётгани сайлов жараёнини таъминлаш учун асосий платформа ҳисобланади”.

Жералд Лофтус, Европа халқаро муносабатлар институти вакили: “Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китоби билан яқиндан танишиб чиқдим. Ундаги чуқур таҳлилни алоҳида таъкидлашни истайман. Ишончим комилки, китобда глобал инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича баён этилган стратегия кўплаб мамлакатлар учун фойдали бўлади. Айниқса, “Янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ғоя жуда фойдали, деб ўйлайман. Қитъаларни боғлаб турувчи жуда қизиқарли ўхшашлик бор. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов “энди аввалги марраларга қайтиш ҳақида сўз юритишга асос йўқ”лигини ва “ўтиш даврида давлатнинг ислоҳотчилик роли”ни таъкидлайди. Францияда Президент Николя Саркози “банклар иқтисодий ўсишни молиялаш ўрнига чайқовчилик билан шуғулланаётганидан” ташвишда. У “XXI аср иқтисодиётини XX аср воситалари билан бошқаришни давом эттириш” мумкин эмаслигини қайд этади. Америкада АҚШ Президенти Барак Обаманинг сўзларига қараганда, ҳукумат фаолияти самарадорлиги ҳақидаги масалани қўйиш муҳимдир. Бизнинг раҳбарларимиз барча жойда “янги уй” учун пойдевор қўйишда иштирок этмоқда ва айни пайтда бугун биз яшаётган уйларнинг дарз кетган жойларини асл ҳолига келтирмоқда.

Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши нафақат бугунги инқирозни бартараф этишни таъминлайди, балки келгусида иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда эркинлаштиришга хизмат қилади”.

Детлеф Зиммерманн, Британия-Ўзбекистон жамияти ижроия кенгаши аъзоси: “Иқтисодчи сифатида Ўзбекистон танлаган иқтисодий сиёсатнинг тўғрилигини алоҳида таъкидламоқчиман. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистонда ҳатто, жаҳон молиявий инқирози даврида ҳам,

> ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲАМЖИҲАТЛИГИ, ЎЗИГА ХОСЛИГИ БИЛАН МИНТАҚАДАГИ ЭНГ КУЧЛИ ВА ИЛҒОР МАМЛАКАТГА АЙЛАНИШГА ҚОДИР. ЎЗБЕКИСТОНДА ОДАМЛАР ЎЗ ДАВЛАТ РАҲБАРИ ВА ҲУКУМАТИГА ИШОНАДИ. БУ ЭСА, ЎЗ НАВБАТИДА, АҲОЛИ ВА ҲУКУМАТ ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ ИШОНЧДАН ДАЛОЛАТДИР.

юқори иқтисодий ўсишнинг таъминланиши мамлакатингиз иқтисодий сиёсати тўғрилигини исботлайди. Ўзбекистонда миллий манфаатларга мос иқтисодий сиёсат амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ўз молиявий манбалари ва ресурсларига таяниб иш кўрмоқда. Негаки, бу мамлакатингизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлайди. Бундай иқтисодий сиёсат туфайли Ўзбекистонда барқарор иқтисодий юксалиш кузатилмоқда”.

Сюй Сяотянь, Замонавий халқаро муносабатлар академиясининг Марказий Осиё бўлимининг етакчи илмий ходими (ХХР): “Глобаллашув даврида замонавий саноат асосан ривожланган ва қулай транспорт-коммуникация инфратузилмаси мавжуд минтақаларда жойлашган. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт ҳудудида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Бу ерда жаҳон стандартларига мос ва жаҳон бозорларида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу, шак-шубҳасиз, саноатни модернизация қилишга катта ижобий таъсир кўрсатади ва Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш бутун минтақани иқтисодий ривожлантириш моделига айланишига ишончим комил”.

Манабу Шимизу, Тейке университети иқтисодиёт факультети профессори (Япония): “Дунёнинг кўплаб давлатлари тўқнаш келган энг мураккаб муаммо – бу мамлакатга қисқа муддат асосида кирадиган капиталлар оқимини давлат томонидан тегишли равишда назорат қилишни таъминлаш билан боғлиқ. Ўзбекистон ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этмоқда. Бундан ташқари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга оид сиёсат, Ўзбекистон танлаган иқтисодий ва сиёсий модель қисқа муддат ичида ўзининг самараларини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Бу, аввало, янги корхоналар ташкил этиш, бизнес билан шуғулланиш, масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр ёшлар онгидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Айнан шу омиллар келгусида иқтисодий ўсишни таъминлашга ёрдам беради”.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро майдонда янада кенг эътироф этилаётганини алоҳида таъкидладилар. Муҳими, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошланган туб ўзгаришлар самаралари фуқароларнинг кундалик ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Экспертлар ўзгармас қадриятлар – инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар марказида бўлгани ва ҳамиша шундай бўлиб қолишини таъкидладилар. Ўзбекистоннинг давлат қурилиши ва иқтисодий ислоҳотларга оид ноёб тажрибасини ўрганиш бўйича бошланган мулоқотни келгусида ҳам давом эттириш истагини билдирдилар.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ

Истиқлолнинг 18 йиллиги олдидан

ВАТАН ТУЙҒУСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК БАХТИ

Ватан... Бу қандай сеҳрли маконки, унинг равнақи учун бутун халқ оёққа қалқийди!

Унинг қандай жозибаси борки, эгалари бегоналарга бергиси келмайди!

Унинг қанақа қуввати борки, ҳимоясига жонлар фидо қилинади!

Ҳа, Ватан улуғ, Ватаннинг қиёси йўқдир. «Ватанни севмоқ – иймондандир», дейилади муқаддас битикларда. Демак, Ватанни асраш учун босқинчи мустамлакачиларга қарши курашганлар энг аввало иймони мустаҳкам кишилар ҳисобланади. Буюк аждодларимизнинг миллий озодлик учун, Ватаннинг бир парча ерини душман қўлига бериб қўймаслик учун олиб борган курашлари бугун биз авлодларга улуғ ибратдир.

Ватанга садоқат – ҳақиқатга садоқатнинг, миллатга меҳр, аҳли башарга меҳрнинг ибтидосидир. Бусиз на адолат ғалаба қилади, на ҳақиқат юзага чиқади, на инсоннинг ўз шахсига эҳтироми шаклланади. Чунки Ватан меҳрини йўқотган шахс оёғи остидаги заминни йўқотади, гўё таянчсиз муаллақ қолади. Ватанга муҳаббат бу – аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўз шахсий салоҳиятига ишонч, умумбашариятга ҳурмат, келажак олдида масъуллик туйғуларини тарбиялайди.

Манбаларда келтирилганидек, «Ватан» арабча сўз бўлиб, у «Она юрт» деган маънони англатади. Бинобарин, Ватан бу – киши ўзини унинг фуқароси деб ҳисоблаган мамлакат, она юрт. Ватан бу – кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри, маҳалласи, қишлоғи, уйи. Ватан бу – халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Бу – унинг маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолган олтин мероси, томирларида гупуриб турган қони, тарихидаги муҳим босқичлар, мустақил, ўз эркий ўз қўлида бўлган давлат қуриш мақсадида олиб бораётган курашидир. Оддийроқ айтганда, ВАТАН – бу кишининг кўрар кўзи, уриб турган юраги демак. Хуллас, усиз яшаш мумкин эмас!

«Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, инсон ҳаётини қилур бемазмун», дейди форс шоири Салмон Савоҳий. Дарҳақиқат, Ватандан ташқарида ҳақиқий бахт йўқдир.

Юртбошимиз ўзларининг "Юксак маънавият –енгилмас куч" асарларида келтириб ўтганларидек, "Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади".

Бугун ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир соат бизни мустақиллик байрамига яқинлаштирмоқда.

Тарихга назар ташласак, ер шарининг турли бурчакларида минг-минг йиллар илгари ҳам халқлар озодлик учун курашиб келганига гувоҳ бўламиз. Бу курашларнинг шакли турлича, аммо моҳияти битта: ҳурриятга етишиш, истиқлолга эга бўлишдир.

1991 йилнинг 31 август куни биз яшаётган муқаддас заминда адолат офтоби балқиб чиқди. Мангуга чиқди. Шу кундан эътиборан юртимизга – мамлакатимизга тенглик келди, ўзаро ҳурмат, қадр келди, эркин ўйлаш, завқ билан ишлаш, ширин даврон суриш келди. Дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси деган давлат пайдо бўлди.

Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, мустақиллик ўзи нима? Мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Буни муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов шундай шарҳлайдилар:

– Биз учун мустақиллик – энг аввало, ўз тақдиримизни қўлга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу Ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳр-оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик – Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шоншавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаро учун миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар – эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Демак, бу азиз неъмат ҳақида шу пайттача олим ва мутафаккирларимиз томонидан айтилаётган сўзларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, Мустақиллик бу – тенгликдир, одамлар ўртасида тенглик, халқлар ўртасида тенглик, давлатлар ўртасида тенглик. Тенглик бор жойда одамларнинг муносабатида бир-биридан устунлик бўлмайди, давлатларнинг бир-бирига муносабатида устунлик бўлмайди.

Истиқлол бу – ҳурмат, истиқлол бу – қадр! Умуминсоний қадриятларга таяниб яшамоқ демак!

Мустақиллик дунё ҳамжамиятидан ажралиш дегани эмас. Мустақиллик дунё муаммолари, ўз тақдири тўғрисида қайғуриш, жон куйдириш, фидойилик кўрсатишдир.

Ҳуррият – халқларнинг бир-бири билан самимий муносабатда бўлиши, давлатларнинг бир-бири билан дўстона алоқа ўрнатишидир.

Мустақил одамда эркин дунёқараш, эркин тафаккур бўлади. Мустақил одамни енгиб бўлмайди, эгиб бўлмайди. Бундай одамга тобелик тамоман бегона.

Мустақиллик – ҳамкорлик, ҳамжиҳатликдир. Бу ҳамкорлик-ҳамжиҳатлик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларда, умуман ҳар томонлама алоқаларда ўз аксини топмоқда.

Бугун мустақил Ўзбекистонимиз ҳудудини ишончли ҳимоя қилувчи Қуролли Кучларимиз бор. Ватан ва унинг мустақиллиги, халқимиз тинчлиги, фаровонлигини сақлаш учун хизмат қилишга бел боғлаган жасур, мард ва ўктам посбонларимиз ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олишга шай турибдилар!

Мустақилликни қўлга киритган давлати ва халқи олдидаги ўзининг муқаддас бурчини ҳис этган ҳарбийларимиз маҳорат чўққиларини эгалламоқдалар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бизнинг суюкли Онамиз каби Ватанимиз ҳам – биттадир, ягонадир. Биз бугун юксак ишонч ва фахр билан айта оламизки, бу гўзал юрт, бу муқаддас замин, Мустақилликдек буюк неъмат фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, уни асраб-авайлашдек юксак ишонч, юксак масъулият ҳам ҳаётимиз мазмунига айланиши зарурият дир.

Мудофаа вазирлиги
Маънавият ва маърифат маркази
илмий-услубий бўлими.

Инсон маънавияти билан гўзал

ТАРБИЯ ЎЙИНЧОҚДАН БОШЛАНАДИ

"... Ҳар кун ушбу клубга келиб, "Киллер мен", "Лай-неж" ўйинларини ўйнайман. Қизиқиб кетганимдан вақт ўтганини ҳам сезмай қоламан. Тун бўйи ўйнаган вақтларим ҳам бўлган. Чунки кечаси компьютер ўйнаш нархи анча арзон бўлади..."

Бу Чилонзордаги "Unix-net" клубининг доимий "мижози" бўлган ўн икки ёшли боланинг гаплари.

Фарзандларимиз бугун глобал тараққиёт асрида яшамоқдалар. Ривожланган телевидение, компьютер, интернет, замонавий технологиялар уларнинг ҳаётига шиддат билан кириб келаётир. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани каби, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Болалар ўз дунёси, ўз олами билан яшайди. Уларнинг дунёқарашини, фикрини ижобий ёки салбий томонга ўзгартириб юбориш қийин эмас. Демак, мультфильм ва турли компьютерлаштирилган ўйин, эртаклар ҳам уларнинг онгига турлича таъсир кўрсатиши табиий.

Бугун фарзандларимиз хорижнинг жангари руҳдаги, ёвузлик ва қабоҳат тасвирланган мультфильмларини кўпроқ томоша қилаётгани, компьютер клубларидан узоқ кетолмай қолаётгани сир эмас. Бундай масканлар уларга ўз билим ва кўникмаларини янада бойитиш, интернет тармоғи орқали дунё янгиликларидан бохабар бўлиш имкониятини яратаётгани қувончли, албатта. Аммо аксарият ёшлар фақат ўйин ўйнаб, вақтини беҳуда сарфлаб, соатлаб компьютер олдида ўтиришга одатланаётгани ачинарли.

Пойтахтимиздаги бир неча интернет клубларни кузатдик. Бу масканлар ёшлар билан гавжумлиги, айниқса, мактаб ёшидаги болалар берилиб ана шундай ўйинлар ўйнаётганига гувоҳ бўлдик. Ушбу клубларда мижозлар учун нархлар қуйидагича белгиланган. Эрталаб соат 7.00 дан тунги 11.00 гача ўйин ўйнаш соатига 500-600, интернетдан фойдаланиш эса соатига 800-1000 сўм. Тунги 11.00 дан то тонггача нархларнинг тўрт, беш баробар арзонлаштирилганлиги ёшларнинг туни билан компьютер олдида ўтиришини рағбатлантиради. Ачинарлиси шундаки, тунги мижозларни ҳеч ким назорат қилмайди. Бу эса ёшлар учун маънавиятимизга ёт фильм ва ўйинларни кўриш имконини беради. Арзимасдек туюлган бу каби ҳолатларга эътибор бермаслик келажакда тузатиш мушкул муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Болалар берилиб томоша қилаётган ёвузлик, ахлоқсизлик, жангари руҳдаги фильм ва ўйинлар аввало уларнинг маънавий олами, тарбияси, юриш-туриши, кийинишида аста-секин ўзининг салбий оқибатларини намоён қила бошлайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон онгида маънавий бўшлиқнинг пайдо бўлиши, ўз мустақил фикрига, соғлом дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга эмаслиги оқибатида унинг турли мафкуравий таҳдидлар, гиёҳвандлик, қашандлик, ахлоқсизлик сингари зарарли иллатлар таъсирига тушиб қолишига олиб келади.

Ана шундай ёмон иллатлардан ёшларни асраш, она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало, ёшларнинг онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш лозим. Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур, дея алоҳида таъкидлайди.

Шу боис юртимизда буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи, фарзандларимизни эзгуликка, яратувчанликка ундовчи миллий мультфильмлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2008 йилда "Букри ошиқ", "Азамат ва танбаллар", "Шодмон полвон", "Сумалак ва минг тилак" сингари ўндан зиёд миллий мультфильм ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса "Лочин ови", "Моҳир қўллар", "Олтин танга" каби миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга мос мультфильмлар яратилди. С.Алибеков, Д.Власов, Н.Тўлахўжаев сингари режиссёрлар суратга олган "Кулол", "Ур тўқмоқ", "Бор, барака" каби мультфильмлар нафақат юртимизда ўтказилган кўрик-танловларда, балки халқаро фестивалларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Фарзандлар комил инсон бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан уларнинг гўдакликда олган тарбиясига боғлиқдир. Бола ўйнаган ўйинчоғи, севиб эшитган эртаклари мисолида ҳаётни англай бошлайди. Шу боис мамлакатимизда ўғил-қизларимиз учун миллий ўзлигимизга хос фазилатлар, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, мардлик ва жасорат акс эттирилган сифатли ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

– Ёш бола ён-атрофда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни англашида ўйинчоқ ва қўғирчоқлар муҳим аҳамиятга эга, – дейди психолог Дилором Маҳмудова. – Ўйинчоқлар боланинг ақлий ҳамда руҳий дунёқараши шаклланишига хизмат қилади. Болалар ўйнаган ўйинчоғи мисолида ўз ўзини кашф эта бошлайди. Шу боис фарзандига ўйинчоқ танлаётган ота-она унинг аввало сифатига, қолаверса, ўйинчоқнинг бола учун маънавий зарари мавжудлиги ёки йўқлигига алоҳида эътибор бериши лозим.

Болалар дунёдаги барча нарсаларнинг фақат ижобий томонини идрок этадилар, шу юксак туйғулар билан яшайдилар. Шунингдек, улар янгидан-янги ахборот олишга қизиқадилар, тез эслаб қоладилар. Эртак, афсона, мультфильм ва ўйин қаҳрамонлари боланинг мурғак тасаввурига тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Шу нуқтаи назардан, мактабгача ёшдаги болаларга ёрқин ранглардаги, уларнинг руҳини кўтарадиган, гўдакларнинг қалбида атроф- муҳитга меҳр уйғотадиган, ижодкорлик ва яратувчанлик туйғуларини шакллантирадиган қўғирчоқлар, бошқотирма, калейдоскоп шаклидаги ўйинчоқлар бериш тавсия этилади.

Ҳозир савдо расталарини тўлдириб турган бир-биридан ғаройиб қўғирчоқлар, ўткир найза, пиротехник воситалар, қурол-аслаҳа кўринишидаги аксарият ўйинчоқлар бола соғлиғига жисмоний зарар етказиш билан бирга, унинг ақлий камолотига тўсқинлик қилади. Болаларнинг руҳий оламида агрессив ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шифокорлар тавсиясига кўра, ўйинчоқ харид қилишда маҳсулот сифатига, унинг кимёвий таркибига ҳамда яроқлилик муддатига алоҳида эътибор бериш керак. Ўйинчоқларни махсус дўконлардан, фақат ўроғли ҳолда харид қилиш тавсия этилади. Чунки таркибида зарарли моддалар ҳамда гигиена талабларига жавоб бермайдиган ўйинчоқлар туфайли турли хавфли хасталиклар келиб чиқиши мумкин. Зеро, хориждан келтирилган айрим қўғирчоқлар таркибидан қўрғошин ва кадмий моддалари топилаётгани сир эмас. Бундай моддалардан заҳарланиш оқибатида болаларда аллергия, тери-таносил хасталиклари, шунингдек, нафас олиш йўли аъзоларида турли касалликлар келиб чиқади. Бундан ташқари, айрим болаларда пайдо бўладиган тез толиқиш, асабийлашиш ҳолатлари ҳам айни жиҳатга алоқадордир.

Кузатилаётган бундай ҳолатларни бартараф этиш, фарзандларимизни юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли ўйинчоқлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда енгил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий қўғирчоқ ва турли ўйинчоқлар ишлаб чиқараётган ҳунарманд ва тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, фаолияти учун қулай шароит яратилаётир. Ҳунармандларнинг даромад солиғидан озод қилинганлиги, ўз маҳсулотини бозорда, қолаверса, нуфузли савдо ярмаркаларида сотиш ва намойиш этиши учун имтиёзлар берилганлиги буниинг далилидир. Ушбу имтиёзлардан оқилона фойдаланган кўплаб тадбиркор, ҳунармандлар яратган сифатли маҳсулотлари билан нафақат юртимиз, балки жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнини эгалламоқда.

Тошкентлик тадбиркор Марат Қосимов улардан бири. Тадбиркор айни пайтда пластмассадан болалар ўйинчоқларини ясаш устида иш олиб бормоқда.

– Маҳсулотимизнинг сифатига, айниқса, унинг гигиеник ҳолатига алоҳида эътибор қаратяпмиз, – дейди М. Қосимов. – Корхонамизда болалар бошқотирма ўйинчоқлари, идиш-товоқчалар ҳамда турли меҳнат қуроллари кўринишидаги ўн хилга яқин ўйинчоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Маҳсулотларимиз четдан келтирилган ўйинчоқларга нисбатан 30-40 фоиз арзонлиги, сифати ва болалар соғлиғига хавф туғдирмайдиган ранг ва хомашёдан тайёрланаётгани боис харидоргир. Маҳсулотнинг ёрлиғида ўйинчоқнинг неча ёшдаги болага мўлжалланганлиги, қандай хомашёдан тайёрланганлиги қайд этилгани харидорлар учун яна бир қулайлик.

Бола оиладаги тарбия, ўзини ўраб турган маънавий муҳит таъсирида камол топади, муайян феъл-атвор соҳибига айланади. Шу сабаб ўғил-қизларимизнинг имон-эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли, ҳур фикрли, юксак маънавиятли гўзал инсонлар бўлиб вояга етишидек муҳим масалага барчамиз масъулмиз.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.



ТАРАҚҚИЁТ

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Йўловчи ва юк ташишда темир йўл транспортининг ўрни беқиёс. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан янги темир йўл ва вокзаллар қуриш, локомотив, электровоз, вагонлар харид қилиш ҳамда мавжудларини таъмирлаш, дунё бозорларига йўналишлар очиш, йўловчи ва темирйўлчиларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қурилган "Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус" темир йўли шимолий минтақаларни юртимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлади. Катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари олиб борилган ушбу темир йўл ўтган ҳудудларда кўплаб маданий-маиший иншоотлар қад кўтарди, янги темир йўл бекатлари ва шинам вокзаллар барпо этилди. Юзлаб одамлар иш билан таъминланди.

2007 йили "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линиясининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. Денгиз сатҳидан 1800 метргача баландликдаги Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километрли бу иншоот нафақат Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки ушбу воҳани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан туташтирди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, янги йўлда жами 609 сунъий қурилма, шу жумладан, 564 сув ўтказувчи йирик мослама ва 43 кўприк барпо этилган. Деҳқонободда спорт мажмуаси, Дарбандда 216 ўринли мактаб биноси қурилди. Шунингдек, йўл бўйлаб йўловчиларга хизмат кўрсатадиган барча қулайликларга эга олти бекат, «Тошгузар», «Деҳқонобод», «Бойсун», «Қумқўрғон», «Оқработ» ва «Дарбанд» станцияларида халқаро андозаларга мос янги вокзаллар бунёд этилди.

Темир йўл кириб бориши билан одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати ўзгариб, бандлиги ва турмуш фаровонлиги, миллий иқтисодиётимизда транспорт сектори иши самарадорлиги ошди. Давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган темир йўл инфратузилмаси ва коммуникациялари яратилди. Термиз минтақавий темир йўл узели ташкил этилди. Юк саройлари, локомотив депоси, техник хизмат кўрсатиш пункти, тармоқ электр таъминоти шохобчалари каби кўплаб объектлар ишга тушди. Темир йўл транспорти тизими корхона ва ташкилотларида кўплаб янги иш ўринлари очилди.

"Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линияси ишга тушгач юк ва йўловчи ташиш масофаси 170 километрга қисқарди. Муҳими, йўловчиларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлди. Айни пайтда мазкур темир йўл мамлакатимиз транспорт коммуникацияларини, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини иқтисодий-ижтимоий юксалиши учун қулай шарт-шароит яратиб, табиий ер ости бойликлари конларини ўзлаштириш лойиҳаларининг амалга оширилишини жадаллаштириш баробарида республикамиз жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мустақиллик йиллари юртимизда 4 минг километрдан зиёд узунликдаги темир йўл халқаро талабларга жавоб берадиган даражага келтирилиб, 560 километрдан ортиқ янги темир йўл қурилди. Кейинги 15 йил ичида МДҲга аъзо давлатларнинг бирортасида бунчалик катта масофада пўлат из ётқизилмаган. Юртимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар халқимизнинг бунёдкорлик борасидаги улкан салоҳиятидан яна бир далолатдир.

Темир йўл транспорти иқтисодиётнинг асосий қон томири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда йўловчи ташишнинг 60, юкнинг қарийб 70, экспорт ва импорт учун юк ташиш умумий ҳажмининг эса 80 фоизи темир йўл орқали амалга оширилаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Айни кунда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси поездлари ўндан ортиқ халқаро ва кўплаб маҳаллий йўналишларда қатновни амалга оширмоқда. Шунингдек, шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишларида электропоездлар ҳаракати йўлга қўйилган. Хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораётган ушбу поезд ва электропоездларда кунига минглаб йўловчилар манзилга етказилмоқда.

Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Бухоро, Тошкент-Қарши йўналишларида мунтазам қатнаётган «Регистон», «Шарқ» ва «Насаф» тезюрар поездлари хизматидан йўловчилар мамнун.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 мартда қабул қилинган «2009-2013 йилларда Темир йўл соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг комплекс дастури тўғрисида»ги қарори соҳани янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, юксак халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган кўп мақсадли самарали инфратузилмага эга бўлган замонавий темир йўлларнинг яхлит кенг тармоғини изчил шакллантириш, маҳаллий маҳсулотларни минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига етказиб беришнинг истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг халқаро транспорт коммуникациялари тизимига кенг интеграциялашувини таъминлашда муҳим дастурилама бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга асосан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан четдан олиб келинадиган, ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюм ва узеллар, технологик ҳужжатлар 2014 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилди. Компания томонидан кейинги йилларда ички ва ташқи транспорт бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизмат кўрсатиш маданияти, сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Темир йўл вокзалларида халқаро стандартларга мос шароит яратилаётир.

Хусусан, Тошкент марказий йўловчилар темир йўл вокзали ва бошқа шаҳарларимиздаги вокзаллар қайта реконструкция қилинди ва таъмирдан чиқарилди, янгилари барпо этилди. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда қатновчи поездларда кўрсатилаётган хизматлар сифати замонавий талабларга мослаштирилди.

Компания тизимидаги корхоналарда локомотив, электровоз, юк ва йўловчи вагонларининг хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш, платформа ва бошқа хил техникани таъмирлаш ишлари ўзлаштирилгани техник хизмат учун кетадиган харажатларни кескин камайтирди.

«Ўзвагонтаъмир» очиқ акциядорлик жамиятида вагонлар жорий ва мукаммал, «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи»да эса йўловчи вагонлари таъмирланмоқда. Қуюв-механика заводида усти ёпиқ ва ярим очиқ вагонлар, Андижон механика заводида эса нефть маҳсулотларини ташиш учун вагон-цистерналар ишлаб чиқарилмоқда.

Яқинда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси билан Испаниянинг "Talgo" компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид ҳужжат имзоланди. Темир йўл компаниялари ўртасидаги бу келишув Тошкент билан Самарқанд ўртасида юқори тезликда юрадиган поезд қатновини йўлга қўйишни назарда тутади. Лойиҳа ижроси жорий йилнинг ўзидаёқ бошланиши кутилмоқда. «Talgo» поездлари соатига 350 километргача масофани босиб ўта олади.

Компания томонидан темир йўл автоматикаси ривожлантирилиб, йўллар электрлаштирилмоқда. Ўтган йили Бухоро-Навоий, Бухоро-Қоровулбозор, Қамаши-Ғузор каби участкалардаги эскирган электр узатиш сим ва устунлари, кўплаб бекатларнинг ёритиш ускуналари замонавийларига алмаштирилди.

Тошкент-Ангрен йўлини электрлаштириш, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон участкаларини электр энергия билан таъминлаш ишлари жадал давом этмоқда. Келажакда Мароқанд-Қарши-Тошгузар, Бойсун-Қумқўрғон йўналишларини электрлаштириш режалаштирилган.

Тизим корхоналарини ёш кадрлар билан таъминлаш, ишчи-хизматчиларнинг малакасини ошириш доимий эътиборда. Ўтган йиллари юзлаб темирйўлчилар юртимиз ва хорижда ўз билим ва тажрибасини оширди. Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўндан ортиқ, жойлардаги темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежларида кўплаб йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Уларда талаба-ёшлар учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, миллий темир йўл транспорти хизматини ривожлантириш, йўловчи ва темирйўлчиларга ҳар томонлама қулайлик яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЭЛЛАРНИ, ДИЛЛАРНИ БОҒЛАР БУ ЙЎЛЛАР

18

ИСТИҚЛОЛИМ ЗАМИН ЭРУР ЮРТ РИВОЖИГА,
БОҒЛАР ГУЛШАН, ЙЎЛЛАР РАВОН, ОБОДДИР ҲАР ЁН.
ҲУРЛИК ГАШТИ ҚАНОТ БОҒЛАР ЭЛ ҚУВОНЧИГА,
ЖАННАТЛАРГА АНДОЗАДИР БУ ГЎЗАЛ МАКОН.





ЁШЛАР

ОМАД СИЗГА, АБИТУРИЕНТЛАР!

Эртага 1 август! Шу куни олий ўқув юртларига кириш орзусида бўлган минглаб ёшларимиз ўз билимларини тест синовидан ўтказади. Яъни тўққиз йил мактабда, уч йил ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида олинган, тунларни тонгга улаб эгалланган билимлар қай даражада ўзлаштирилганлиги аён бўлади. Ҳа, катта ҳаёт остонасида турган ёшлар учун бу кун унутилмас ва айни дамда ҳаяжонли дамларга бой. Албатта, бу жараён ҳар бир ёш учун жуда масъулиятли палла. Асосийси, энг билимли, иқтидорли ёшлар талабаликка мушарраф бўлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим тизимига қаратилган эътибор айни пайтга келиб ўз самарасини бера бошлади. Зеро, ёшлар келажагимиз, умид юлдузимиз, эртанги кунимизнинг муносиб ворислари. Уларнинг бугун комил ишонч ва эзгу орзулар билан фақат олға интилиб ташлаётган қадамлари, илм олишга бўлган кучли иштиёқи улардан кутаётган орзу-умидларимиз ижобатидан нишонадир. Президентимиз таъкидлаганидек, «Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз». Бугун абитуриентлар сони бўйича ўтказилган таҳлиллар ҳам ёшларнинг фаоллашиб бораётганини, билим олишга интилишлари кучаяётганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети мамлакатимиздаги нуфузли билим даргоҳларидан бири саналади. Ёшларимизнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишлари сабаб кейинги йилларда ушбу ўқув даргоҳида ўқишни истовчилар сони ҳам ортиб бораяпти.

– Сурхондарё вилояти, Денов туманиданман, – дейди биз билан суҳбатда ана шундай иштиёқманд ёшлардан бири Самариддин Ҳамроев. – Ушбу университетда таҳсил олиш – энг катта орзуим. Ёшлигимдан чет тилларини ўрганишга қизиқишим кучли бўлгани учун ҳам мазкур университетга ҳужжат топширдим. Тўғри, бу йўлда фақат орзунинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун кучли билим ҳам керак. Шунинг учун мактабда ҳам, лицейда ҳам доимо билимларимни мустаҳкамлаб бордим. Ўйлайманки, олган билимларим тест синовларидан муваффақиятли ўтишимга катта ёрдам беради.

– Касб-ҳунар коллежини тамомлаганман, – дейди абитуриент Назира Турғунова. – Келажакда мана шу университетда таълим олиб, билимимни оширмоқчиман. Ҳозир жуда ҳаяжондаман. Чунки эртага тест синовлари бўлиб ўтади. Хаёлимда фақат «ота-онам ва устозларимнинг ишончини оқлай олармиканман?» деган савол муҳрланган. Менимча, бу ёғи фақат билим ва омадга боғлиқ бўлса керак.

– Келажакда журналистика соҳасида фаолият юритмоқчиман, – дейди ўзини Нафиса Ҳакимова деб таништирган суҳбатдошимиз. – Шу боис ҳужжатларимни халқаро журналистика факультетига топширдим. Тест имтиҳонларига астойдил тайёргарлик кўрдим. Агар талаба деган номга сазовор бўлсам, энг катта орзуимга эришган бўламан.

– Мен ҳам ушбу таълим даргоҳининг инглиз филологияси факультетида таҳсил олганман, – дейди ота-оналардан бири, Фарғона вилояти, Бувайда туманида истиқомат қилувчи Фотима Ҳамидова. – Айни пайтда мактабда инглиз тилидан дарс бераман. Қизим Моҳира ҳам ўқитувчилик касбини танламоқчи. Шу боисдан ҳам мазкур факультетда ўқишга қарор қилди. Унинг қароридан жуда хурсандман. Чунки ўқитувчилик – шарафли касб. Бугун мамлакатимизда ўқитувчилик касбига эҳтиром юқорилиги боис бу касбнинг этагидан тутмоқчи бўлганлар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бораяпти. Ишқилиб, мана шундай эзгу ниятлар билан ўқишга ҳужжат топширган ва астойдил тайёргарлик кўрган ўғил-қизларимизга талабалик бахти насиб этсин.

– Икки фарзандим ушбу университетда таҳсил олган, – дейди Абдуқаюм ака Каримов. – Ҳозирда иккови ҳам ўз соҳасининг етук мутахассисларидан саналади. Кенжа фарзандим Темурбек ҳам акаларининг изидан бориб, таржимонлик факультетига ҳужжат топширди. Ўғлимнинг билимига ишонаман. Чунки лицейда ҳам фақат аъло баҳоларга ўқиган, кириш имтиҳонларига ҳам пухта тайёргарлик кўрди.

– Жуда ҳаяжонланаяпман, – дейди Темурбек Каримов. – Шу кунгача ўрганган билимларим тест синовларида асқотса, мақсадимга эришган бўламан. Ҳар бир инсон келажагини ўз қўли билан яратади. Бунинг учун эса инсондан ҳаракат ва меҳнат талаб этилади. Мен ҳам мана шу ақидага амал қиламан. Чунки меҳнат қилган, интилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Яъни ўз олдига қўйган мақсадларга албатта эришади. Бугун юртимизда ёшларнинг билим олишлари учун старлича шарт-шароитлар яратилган. Бу эса ҳукуматимизнинг биз – ёшларга билдираётган юксак ишончидан далолат. Шу боисдан ҳам келажакда билдирилаётган ишончни муносиб оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Гувоҳ бўлганингиздек, биз жуда кўп абитуриентлар билан суҳбатлашдик. Ҳа, астойдил эгалланган билим бир кун келиб ўз самарасини беради. Бу ҳаётий ҳақиқатни бугун ёшларимизнинг ўзлари ҳам англаяпти. Уларнинг теран мушоҳада юритишлари, ўз олдига қўйган орзу-умидлари, мақсадлари ҳавасимизни келтирди. Юртимизда мана шундай интилувчан, тиришқоқ ёшлар вояга етаётганидан қувондик. Интилганга толе ёр, дейишади. Бу каби ёшларнинг ниятлари эзгу, истиқболи порлоқ бўлади. Шундай экан биз ҳам талабалик сари қадам ташлаётган бу ўғил-қизларга фақат биргина тилак билдириб қоламиз: омад сизга абитуриентлар!

Лола ТУРСУНБОЕВА.

ОРЗУЛАР ЙЎЛИДА

Болалик қизиқишларга, бегубор орзуларга тўлалиги билан ўзига хосдир. Айнан умрнинг шу даврида дилга туйилган истак ва мақсадлар келажакка қўйилган қадамдир.

Тенгдошимиз Баҳодир Хуррамов ҳам болалигини ширин бир энтикиш билан ёдга олади. Сурхондарёнинг Денов туманида туғилиб вояга етган ўғлоннинг орзу-ҳаваслари жуда кўп бўлган. Айниқса, хизматни ўтаб келган қўшни йигитни кўрган болакай, онасига, «менга ҳам аскар аканинг кийимидан тикиб беринг», дея роса хархаша қилганди. Аскар йигит унга фуражкасини кийдирганида, «мен ҳам аскар бўламан», деган ҳамон ёдида.

У кутган кунлар ҳам йилларни қувиб, етиб келди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, Иқтисодиёт коллежига ўқишга кирди. Таълим даргоҳида ўқиш билан бир қаторда, бошланғич ҳарбий тайёргарлик фанидан армия ҳақида олган маълумотлари ҳарбийликка иштиёқини янада кучайтирди.

Касб-ҳунар коллежини тамомлаб, қўлига етуклик шаҳодатномасини олган ўғлон туман мудофаа ишлари бўлимига мурожаат қилиб, армияга бориш истаги борлигини билдирди. Масъул офицерлар Баҳодирга муддатли ҳарбий хизматга қабул қилишда чақирилувчиларга қўйиладиган талаблар, зарурий ҳужжатлар ва белгиланган синовлар тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Йигит синовлардан муваффақиятли ўтди. У тиришқоқлиги ва мактаб давридан бошлаб спортнинг кураш ва дзюдо тури билан мунтазам шуғулланиб келаётгани боис синовлардан қийинчиликсиз ўтди. Хуллас, муддатли ҳарбий хизматни ўташга йўл олди.

Баҳодир йигитлик бурчини сидқидилдан ўташга киришди. Ўғлон командирлари берган сабоқларни пухта ўзлаштириб бориши, жанговар вазифани сифатли адо этиши билан хизматдош дўстларидан ажралиб турди. Машқларда тобланиб, бўш вақтларида кутубхонага боришни канда қилмади. Хуллас, ҳар жабҳада етакчи бўлган йигит қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномага муносиб топилди.

– Армия менга кўп нарсани ўргатди, ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди, – дейди у. – Шунинг учун уни ҳаёт мактаби деб аташар экан. Замон талаблари асосида жиҳозланган спорт залида дзюдо билан шуғулланишни давом эттирдим. Армияда кўплаб дўстлар орттирдим. Хизматнинг илк кунларидан бирга бўлган хизматдошларим Қувондиқ Алимардонов, Элёр Нормуродовлар билан яқин дўстмиз. Улар ҳам тавсияномани қўлга киритган шунқорлардан. Айни дамда барчаси олий ўқув юртига киришга тайёргарлик кўрмоқда.

Баҳодир Тошкент давлат аграр университети ҳузурида ташкил этилган тайёрлов курсида билимларини бойитиб, талаба бўлишга тайёрланмоқда.

– Ўғлим билан фахрланаман, – дейди унинг онаси Гулбаҳор Хуррамова. – Ўз тенгдошлари қатори юрт ҳимояси йўлида хизмат қилганидан жуда хурсандман. Фарзандимнинг Ватан юкига елка тутишга қодир эканлиги менинг бахтимдир. Яна шуни айтиб ўтишим жоиз, ўғлим хизматдан қайтгач, аввалгидан кўра дунёқараши ўзгаргани, ҳар бир ишни масъулият билан бажариши эътиборимни тортди.

Қаҳрамонимизнинг давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талаба-ёшлар сафидан жой олишига тилакдошмиз.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

ЁШЛАР

БИЛИМЛАР СИНОВДАН ЎТАДИ БУНДА

1 август санаси олий ўқув юртида таҳсил олиш ниятида бўлган ҳар бир абитуриентни ҳаяжонга солиши табиий. Чунки бу кунда кимдир талаба бўлиш илинжида бедор ўтказган тунлари, изланишларининг мевасидан баҳраманд бўлса, бошқа биров зое кетказган вақтига ачинади, ундан унумли фойдалана билмаганидан пушаймон қилади. Бир сўз билан айтганда, шу куни "сараксаракка, пучак-пучакка ажралади".

Маълумотларга кўра, бу йил мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларига жами 337 мингдан зиёд абитуриент ҳужжат топширган. Бу мавжуд ажратилган квота бўйича ҳар битта ўрин учун ўртача 5 дан ортиқ абитуриент кураш олиб боради деганидир. Ана шу довондан ўтиб олган йигит-қизларгагина талабалик насиб этади.

Тест синовларигача бўлган вақтда барча олий таълим муассасаларида ўқишга ҳужжат топширган абитуриентларга кириш имтиҳонларида талаб қилинадиган тегишли ҳужжатларни тақдим этиш, синовлар бўйича уларда туғиладиган саволларга жавоб берадиган маслаҳат кунларини жорий этиш, имтиҳонлар бўлиб ўтадиган бинолар билан таништириш каби қатор зарурий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айтиш лозимки, тест синовларини ўтказиш бўйича янгилик ва ўзгаришлар йўқ, қўшимча фанлар ҳам киритилмаган. Абитуриентлар олдинги йиллардаги каби мутахассисликлар бўйича учта фан доирасида тузилган жами 108 та (ҳар бир фандан 36 тадан) саволга жавоб берадилар.

Шунингдек, ёшлар учун олий ўқув юрти талабаси бўлишни олдиндан белгилайдиган ҳамда имтиёзлар берадиган имкониятлар тўла амалда. Хусусан, республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиблари, белгиланган тартибда имтиёзлар берилиши назарда тутилган кўрик-танловлар ва мусобақалар ғолиблари ўз йўналишлари бўйича тест синовларисиз олий ўқув юрти талабаси бўлиш имкониятига эга. Бундан ташқари, тавсияномага эга ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган аскарларимиз учун ҳам имтиёзлар тўлиқ сақланиб қолган.

Тавсиянома – муҳим имтиёз

КЕЧА АСКАР – ЭРТАГА ТАЛАБА

Талабалик – олтин давр. Умрни гулга қиёс этадиган бўлсак, талабаликни энди кўз очган ғунчага менгзаш мумкин. Қўлига етуклик гувоҳномасини олган ҳар бир ёш қалбида олий таълим даргоҳида таҳсил олиш, олтин даврнинг ўзига хос сурурига ошно бўлиш истаги жўш уриши ҳам шундан.

Яқинда республикамиздаги олий ҳарбий билим юртларида синовлардан муваффақиятли ўтиб, курсант номига муяссар бўлганлар рўйхати эълон қилинган эди. Табиийки, бу борада кимгадир омад кулиб боққан, яна кимларгадир йўқ. Синовларда муваффақиятсизликка учраганлар тушкунликка тушмадилар. Сабаби, уларда олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш ва омадларини яна бир карра синовдан ўтказиш учун имконият бор эди-да!

Шу кунларда юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида қабул жараёни якунига етган. Ҳаяжонли синов арафасида турган абитуриентлар билан суҳбатлашаркансиз, улардаги кайфият сизга ҳам ўтгандек бўлади. Беихтиёр абитуриент бўлган, имтиҳон топширган дамларни хотирлайсиз, бу лаҳзалар ҳаяжонини юракдан ҳис қиласиз. Мустақил ҳаёт остонасида турган, келажакдан умидлари улкан ёшларга ич-ичингиздан омад ёр бўлишини тилайсиз.

Бугун ёшларнинг билим олиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, муайян касб-ҳунарни эгаллаши, том маънода келажагимиз давомчилари бўлиб камол топишларига жиддий эътибор қаратиб келинаётганига барчамиз гувоҳмиз. Хусусан, турли соҳалар бўйича ютуққа эришган, фан олимпиадаларида юқори натижаларни қайд этган, шунингдек, давлат мукофотларини қўлга киритган ёшларга олий таълим даргоҳига ўқишга киришда берилаётган имтиёзлар ана шу мақсадга хизмат қилади. Шундай юксак имкониятлардан бири сифатида муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган аскар йигитларимизга берилаётган тавсияномаларни эътироф этишимиз мумкин.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳар йили абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш бўйича республикада энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этиши билан ўзига хос ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, ушбу илм маскани бу йил ҳам биринчиликни ҳеч кимга бермади. Маълумот доскаларида олий ўқув юртида мавжуд 7 та факультет ҳамда жами 29 та йўналишларга 16650 нафар йигит-қиз ҳужжат топширганлиги тўғрисидаги, шунингдек, тармоқлараро қабул квоталари ва кундалик ҳужжатлар йиғими натижалари ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу илм даргоҳида ҳам тавсиянома билан келган йигитларни алоҳида рўйхатга олиш жорий этилган. Жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, тавсияномага эга бўлиб қайтган 483 нафар абитуриентлар университетнинг турли йўналишларига ҳужжат топширганлар. Бу эса ўтган йилгидан қарийб 200 тага кўп деганидир.

Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида қабул натижалари билан танишар эканмиз, бу борадаги кўрсаткичларнинг анча юқори эканига гувоҳ бўлдик. Университетда мавжуд 7 та факультет ва 50 та йўналишларга жами 788 нафар, яъни бултургига нисбатан икки баробар зиёд тавсиянома соҳиблари ҳужжат топширган. Таълим масканида кундалик қабул кўрсаткичлари, шу жумладан, тавсиянома билан ҳужжат топширган абитуриентлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда уларнинг таълим йўналишлари бўйича тақсимоти компьютерлаштирилган ҳолда ҳар куни аниқлаштириб борилади ва улар тўғридан-тўғри www.abiturient.uz махсус сайтига узатиб борилади. Университет ҳовлисида тавсиянома билан ҳужжат топширган ёшларни учратиб қолдик.

– Бу ерда барча ташкилий ишлар жуда яхши йўлга қўйилган экан. Қабул комиссияси аъзоларининг абитуриентларга бўлган муносабати, муомаласи кишини қувонтиради, – дейди ўзини Шаҳбоз Исаев деб таништирган йигит. – Бизни махсус имтиёзга эга бўлганимиз учун алоҳида рўйхатга олишди ва факультетлар ва улардаги йўналишлар, соҳалар бўйича келгусида қайси тармоқларда ишлаш имкониятимиз борлиги ҳақида батафсил маълумот бердилар.

– Кўпдан шу тармоқга қизиққаним, келажагимни ушбу соҳада кўрганим учун ҳужжатларимни Электроника ва автоматика факультетига топширдим, – дея сўз бошлади абитуриент Умиджон Файзуллаев. – Талабалик бахтига муяссар бўлсам, келгусида мазкур илм масканида устозлардан оладиган билимларимни амалиётда муваффаққиятли қўллашга ҳаракат қиламан. Бу борада менга ҳарбий хизматда орттирган тажрибам, ўзлаштирган билим ва кўникмаларим асқотади, деган умиддаман.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига 2009-2010 ўқув йили учун жами 10704 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлиб, шулардан 340 нафари тавсиянома соҳибларидир. Тавсиянома соҳиблари бўлган абитуриентлардан Бахтиёр Холиқов (физика факультети), Сардорбек Абдулаҳамов (математика факультети), Ориф Эргашев, Бекзод Бекмирзаев (иқтисодиёт факультети), Сардор Турсунов (фалсафа факультети), Дилшод Маликов (тарих факультети)ларнинг фикрларидан маълум бўлдики, университетда алоҳида имтиёзга эга йигит-қизлардан ҳужжатларни қабул қилишга тегишли мутахассис-кадрлар жалб этилган. Ўз навбатида, тавсиянома соҳибларининг ўй-фикрлари, дунёқарашлари, келгуси режалари билан қизиқдик.

– Андижон вилоятининг Асака шаҳриданман. Ҳарбий қисмда намунали хизмат қилганим, кўп жиҳатдан сафдошларимга ибрат бўла олганим учун мен ҳам тавсияномага лойиқ топилдим. Бунинг учун аввало ҳукуматимиздан, қолаверса, бизга ҳарбий соҳа сир-асрорларини ўргатишган, ҳаёт мактабида тоблаган командирлардан миннатдорман, – дейди Сардорбек Абдулаҳамов. – Имтиёзга эга бўлганим учун Ўзбекистон Миллий университети қошидаги тайёрлов факультетида бепул таҳсил олдим. Билдимки, конституциявий бурчни шараф билан адо этганларга нафақат армияда, балки ундан кейин ҳам катта эътибор берилиб, уларнинг жамиятга фойдали касб эгаси бўлишларига доимий равишда ғамхўрлик кўрсатилар экан. Келажакда ўқитувчи бўлиш учун математика факультетига ҳужжатларимни топширдим.

– Жорий мавсумда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларнинг 18 нафари турли йўналишлар бўйича факультетимизда билим олишди, – дейди тайёрлов факультети декани физика-математика фанлари номзоди, доцент Эргаш Согатов. – Уларга танлаган соҳалари бўйича фанлардан чуқурлаштирилган тарзда сабоқ бердик. Шу пайтгача факультетимизда икки юзга яқин муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, тавсияномага эга бўлган абитуриентларни имтиёзли ўқитдик, уларга илм сирларини ўргатдик. Улар билан суҳбатлашаркансиз, имтиёз ва имкониятлардан барчалари миннатдорлигини англайсиз.

Тошкент ахборот технологиялар университетининг 5 та факултетига жами 6368 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлиб, уларнинг салмоқли қисмини, яъни 465 нафарини тавсиянома соҳиблари ташкил этади.

– Талабаларимиз орасида муддатли ҳарбий хизматни – Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтган йигитлар анчагина, – дейди университет қабул ҳайъати масъул котиби Шуҳрат Жабборов. – Армия кўрган йигит барибир бошқача бўлади. Буни ҳужжат топшириш жараёнидан тортиб имтиҳонларгача, қолаверса, олий таълим даргоҳидаги таҳсил мобайнида ҳам яққол ҳис қилиш мумкин. Бундай йигитлар ўзларининг илғорлиги, етакчилиги, шу билан бирга, оғир-вазминлиги билан ажралиб туради. Улардаги ана шу хислатлар кейинчалик танлаган соҳасининг етук мутахассиси, малакали кадр бўлиб етишишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳа, армия кўрган ўғлонлар чиндан бошқача бўлади. Улардаги шижоат, интилувчанлик, билимдонлик, фаоллик каби хислатларнинг шаклланишида ҳаёт мактаби катта аҳамият касб этади. Интеллектуал салоҳият ва матонатда барчага ўрнак ўғлонларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани эса кўнгилларда эртанги нурли истиқболга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Саҳифани "Ватанпарвар" мухбири Жамшид НИЁЗОВ тайёрлади. Абдувоси ҲАЙДАРОВ суратга олган.

СПОРТ

«Лондон – 2012» умидлари

ОТА ЎҒИЛНИНГ САККИЗИНЧИ МУВАФФАҚИЯТИ

ёхуд операциядан сўнг яна катта спортга қайтиб юксак натижаларни кўрсатаётган истеъдод соҳиби ҳақида

Германиянинг Карлсрой шаҳрида ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро мусобақанинг лангар чўпда сакраш бўйича баҳсларида кичик сержант Леонид Андреев зафар қозонди. У 5,63 метр натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди ва мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. Бу спортчимизнинг 2009 йил мобайнида халқаро мусобақаларда қўлга киритган саккизинчи муваффақиятидир.

Ҳа, 2009 йил кичик сержант Леонид Андреев учун омадли бошланди. У дастлабки муваффақиятига январь ойида Швециянинг Гётеборг шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада эришди. Халқаро тоифадаги спорт устамиз лангар чўпда сакраш бўйича 5,35 метр натижа кўрсатиб, нуфузли мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлган эди. Шундан буён у ўз мураббийи – отаси Владимир Андреев билан бирга тиним билгани йўқ. Қатъий режим асосидаги ўқув машғулотлари, навбатдаги мусобақага тайёргарлик, узоқ юртга сафар, турнирларда қатнашув... Энг муҳими, отаси иккисининг уринишлари бесамар кетмаяпти. Мусобақадан-мусобақага Леониднинг маҳорати ошиб бориши билан бирга шахсий натижалари ҳам яхшиланмоқда. Табиийки, қўлга киритилаётган совринлар даражаси ҳам юқорилаяпти. Хусусан, Леонид февраль ойида Шемниц шаҳрида ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақада қатнашиб, Гётеборгдаги натижасини 25 сантиметрга янгилади ва яна бронза медални қўлга киритди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Германиянинг Берлин шаҳридаги Гран-прида 5,40 метр натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллади ва бу йилги халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган кумуш медаллари сериясини бошлади.

– Кичик сержант Леонид Андреев интизомли, майдонда эса мақсад, яъни ғолиблик сари интилувчан спортчи, – дейди МҲСКнинг енгил атлетика бўйича катта мураббийи Анвар Кўчмуродов. – У табиатан оғир-босиқ, айрим спортчилар каби «юлдузлик касали»га чалинишдан йироқ инсон. Зеро, бугунги кунда юртимизда лангар чўпда сакраш бўйича Леонидга тенг келадиган, у билан тенгма-тенг рақобатлашадиган спортчи йўқ. Шунга қарамай у ўз устида ишлашда, маҳоратига сайқал беришда давом этаяпти. Юртимиз спорт мухлислари яхши эслашади. Ўзбекистон азалдан лангар чўпда сакраш бўйича дунё миқёсидаги етук спортчиларга эга бўлган. Хусусан, Валерий Ишутин, Виктор Режиков, Вячеслав Арестов, Константин Семёнов, Радион Гатаулин каби халқаро тоифадаги спортчиларимиз 5,80 метрдан кам бўлмаган натижани кўрсатиб, ўз вақтида жаҳон чемпионатларининг совриндорлари бўлишган. Радион Гатаулин бу борада ҳатто 6,05 метрлик баландликни забт этган. Леонид Андреев ана шу моҳир ва машҳур спортчиларимиз изидан бораяпти. Ҳозирча унинг энг юқори натижаси 5,75 метр бўлиб турибди. Бу натижага у Пекин Олимпиадаси олдидан Ўзбекистон чемпионатида эришган, Пекинда эса 5,70 метр натижа кўрсатган эди. Яна шуни унутмаслигимиз керакки, у 2002 йили Ямайкада ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги дунё биринчилигида ғолиб чиқиб, жаҳон чемпиони бўлган. Ўшанда мутахассислар унинг келажагига катта умид билдиришган эди. Лекин Леонид спортчилар ҳаётидаги энг ёмон ҳолат – жароҳат олишга дучор бўлиб, 2004 йили операция столига ётишига тўғри келди. У ҳаётнинг аччиқ синовини енгиб ўтиб, бу борада аксарият спортчилар қайта журъат этолмайдиган қаҳрамонликни кўрсатди – яна катта спортга қайтди. «Катта спортга қайтиш» ҳам икки тоифага бўлинади, мураббий тарзида ва яна спорт беллашувлари майдонига чиқиш. Андреев катта спортга шунчаки қайтмади, балки аввалги натижаларидан ҳам юқорироқ кўрсаткичларни намойиш этиб, каттароқ ютуқларни қўлга киритмоқда. Мана, ўзингиз ҳам ҳамюртимизнинг фақат бу йилги ютуқларидан тўлқинланиб, руҳланиб ўтирибсиз. Спорт ана шундай, у инсонни ва шу инсонни камол топтирган юртни улуғлайди, спортсевар ҳамюртларини фахрлантиради. Леонид жароҳатдан сўнг яна катта спорт майдонига қайтиб, 2006 йили Катарда ўтказилган Осиё ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритди. Ахир бу чинакам қаҳрамонлик эмасми?!

Ҳа, мураббий таъкидлаганидек кичик сержант Л.Андреев эришилган муваффақиятлари билан чегараланиб қолмаяпти. Берлинда кумуш медални қўлга киритгач, март ойининг иккинчи ярмидан май ойининг ўрталаригача бўлган муддатни навбатдаги мусобақаларга тайёргарлик кўриш, маҳоратига сайқал бериш, камчиликларини бартараф этиш, ўз устида ишлаш билан ўтказди. Интилишлари зое кетмади – май ойининг сўнгги кунлари Польшада ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи яна бир йирик халқаро мусобақанинг совриндори бўлди. 5,42 метрлик натижа унга Гран-прининг кумуш медалини тортиқ этди. Бу Леонициинг 2009 йилдаги тўртинчи муваффақияти эди.

Гран-при туркумига кирувчи мусобақаларга ҳамма спортчилар ҳам жалб этилавермайди, яъни турнирда қатнашиш учун спортчидаги хоҳиш-истакнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун у аввалги халқаро мусобақаларда кўрсатган юқори натижалари билан навбатдаги турнир нуфузига лойиқ бўлиши керак. Польша ва ундан олдинги мусобақалардаги муваффақият ҳамда натижалар табиийки, спортчимизнинг Францияда ўтказиладиган Гран-при мусобақасига таклиф этилишига сабаб бўлди. Альбервиль шаҳрида ҳам Леонид ўз ишончасига содиқ қолиб, аввалги мусобақадаги натижасини яна янгилади – 5,46 метр баландлик унга Франция Гран-присининг кумуш медалини ҳадя этди. Халқаро тоифадаги спорт устамиз бу муваффақиятга 5 июнь куни эришган бўлса, орадан беш кун ўтиб у Полышанинг Бигдаш шаҳрида яна совриндор бўлди. Гарчанд у аввалгидан ҳам юқорироқ, яъни лангар чўп ёрдамида 5,56 метрлик баландликдан ошиб тушган бўлса-да, бу сафар бронза медали билан кифояланишига тўғри келди. Демак, рақиблар ҳам анойи эмас, турнирдан-турнирга сайқалланиб боришмоқда. Ота ва ўғил бундан тушкунликка тушмай, аксинча тўғри хулоса чиқарган ҳолда, навбатдаги мусобақаларга пухта ҳозирлик кўришди. Орадан бир ой ўтиб эса... изланиш, интилиш, тинимсиз меҳнат ўз самарасини берди. Леонид Европанинг Сативиль шаҳрида ўзининг рекорд натижасини қарийб такрорлашга муваффақ бўлди. 18 ёшини қаршилаш арафасида турган Ўзбекистон деган мамлакат номи Францияда яна бир бор жаранглади. Унинг сабабчиси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг содиқ ўғлони – кичик сержант Леонид Андреев бўлди. У лангар чўпда 5,70 метрлик маррани забт этиб, Гран-при ғолиби, жаҳон чемпионатидан кейинги поғонада турувчи нуфузли мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимлари Леонид Андреевнинг Франциядаги ғалабасини ёритишга улгурмай туриб, у бу муваффақиятини Германиянинг Карлсрой шаҳрида яна бир бор такрорлади. 15 июль куни Германия Гран-присининг олтин медалини қўлга киритиш учун унга 5,63 метрлик натижа кифоя қилди. Бу кичик сержант Леонид Андреевнинг 2009 йилги йирик халқаро мусобақалардаги саккизинчи муваффақияти эди. Буни эшитибоқ табиийки, таҳририятимиз спорт бўлими ходимлари кичик сержант билан боғланиш пайида бўлди. Бироқ бунинг уддасидан чиқмадик. Чунки спортчимиз аллақачон навбатдаги мусобақаларга тайёргарлик кўришга киришиб кетган, уни ва мураббийи Владимир Андреевни фақат Польшадан топишимиз мумкинлигини маълум қилишди.

Дарвоқе, шу йилнинг 15-23 август кунлари Германияда енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Унда қатнашадиган мамлакатимиз терма жамоаси таркибига МҲСКнинг беш нафар спортчиси жалб қилинган, аниқроғи аввалги мусобақаларда халқаро спорт меъёрларини бажариб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, шу жумладан, лангар чўпда сакраш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси кичик сержант Леонид Андреев ҳам. Унга жаҳон чемпионатида ҳам муваффақият қозонишини ва мамлакатимизнинг 18 йиллик тўйига муносиб совға ҳозирлашини тилаб қоламиз. Бу юксак истеъдод ва катта матонат соҳибининг қўлидан келади ва шунга умид қиламиз.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

В преддверии летней олимпиады среди ВВОУ

САМАРКАНДЦЫ ЖАЖДУТ РЕВАНША

В принципе, другого отношения от военных спортсменов Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ) и нельзя было ожидать. Ведь на протяжении многих лет они занимали лидерские позиции.

Однако после зимней олимпиады среди курсантов ВВОУ на лидерские позиции вышли курсанты ЧВТКИУ. Их давние конкуренты вряд ли смогли смириться с таким раскладом.

– Конечно, мы настроены на реванш за то обидное поражение, – подтверждает мои предположения начальник кафедры физической подготовки и спорта СВВАКИУ подполковник Константин Юркевский. – Наши ребята ведут интенсивную подготовку к тому, чтобы вернуть себе первое место.

С учетом того, что соперники тоже внимательно отслеживают их действия, офицер не стал подробно раскрывать детали подготовки. Только назвал нескольких спортсменов, от которых в училище ждут прочного задела для успеха.

Например, в плавании, настольном теннисе, преодолении горной полосы препятствий, конкурсе «Балли, йигитлар!» ставка сделана на братьев Шерали и Рустама Султановых. Эти курсанты четвертого курса в последний раз выступят за родное училище на таких состязаниях, поэтому победа для них является делом чести.

В турнире боксеров, летнем биатлоне, стрельбе из автомата и пистолета особые надежды возлагают на курсанта Дониёра Джумаева, не раз успешно защищавшего честь СВВАКИУ.

Фаворитом в технической эстафете, подтягиваниях, летнем биатлоне и в той же стрельбе считается младший сержант Юлдаш Хаитов. Об остальных претендентах на медали офицер не стал особо распространяться. Да и можно его понять: спортсмены – народ суеверный. Никто не хочет заранее раскрывать свои замыслы. Но в том, что любое итоговое место, кроме первого, будет расценено в СВВАКИУ как провал, сомневаться не приходится. Таковы здесь победные традиции, заложенные годами.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

Футбол

БАҲСЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Олий лига жамоалари ўртасидаги миллий чемпионатимизда 1-давра баҳсларидан сўнг жамоалар қисқа муддатли танаффусга чиқишганидан хабарингиз бор. Аммо республикамизнинг икки етакчи жамоаси – «Бунёдкор» ва «Пахтакор» ўйинлар тақвимининг тиғизлиги сабабли мазкур танаффус вақтида ҳам расмий ўйинлар ўтказишларига тўғри келмоқда.

Жумладан, мамлакат чемпиони «Бунёдкор» футболчилари 23–30 сентябрь кунлари Осиё чемпионлар лигасининг чорак финалида иштирок этишлари сабабли уларнинг миллий чемпионатимиз доирасида «Шўртан» билан ўтказилиши лозим бўлган 23-тур ўйини (26 сентябрга мўлжалланган) 25 июль куни бўлиб ўтди. Жорий чемпионатда ҳам пешқадамликни қўлдан бермай келаётган бунёдкорчилар ушбу ўйинни ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб, 5:0 ҳисобида йирик ғалабага эришдилар. Ўйинда тўпларни Ривалдо, Виллануэва (2 та) ва Жепаров (2 та)лар киритишди.

«Пахтакор» футболчилари эса бир кун кейин Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасига қарши Ўзбекистон кубоги ярим финалининг биринчи ўйинини ўтказишди. Хабарингиз бор, бу йилги ярим финал баҳсларида ушбу жамоалардан ташқари «Насаф» ва «Бунёдкор» жамоалари ҳам финал йўлланмаси учун кураш олиб боришмоқда. Ушбу клублар ўртасида бир неча кун аввал ўтказилган дастлабки ярим финал баҳсида «Бунёдкор» 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган ва жавоб учрашуви олдидан яхши имкониятга эга бўлиб олган эди.

«Пахтакор» – «Нефтчи» учрашуви кутилганидек қизиқарли ва кескин баҳсларга бой бўлди. Иккала жамоа ҳам ушбу учрашувга бир қатор йўқотишлар билан етиб келди. Агар «Нефтчи» асосий таркибининг бир йўла 5 нафар ўйинчиси жароҳатлар сабабли майдонга чиқа олмаган бўлса, «Пахтакор» давралар оралиғида турли сабабларга кўра И. Нестеров, З. Тожиев ва А. Алиқулов каби етакчи ўйинчиларидан айрилди. Жамоа раҳбариятининг Осиё чемпионлар лигаси баҳслари арафасида олиб бораётган бундай тушунарсиз трансфер сиёсати пахтакорчиларнинг ушбу нуфузли мусобақадаги иштироклари натижасига салбий таъсир қилмаса бўлгани...

Бевосита ярим финал учрашувига тўхталадиган бўлсак, ўйин кутилганидек «Пахтакор» устунлиги остида ўтди. 15-дақиқада мезбонлар сардори О. Аҳмедов кетма-кет тўрт рақиб футболчисини моҳирона алдаб ўтиб, ўйиндаги ҳисобни очди – 1:0. Шундан сўнг «катта саҳна»га Ф. Тожиев чиқди. Ўйиннинг 27-, 33- ва 41-дақиқаларида фарғоналиклар дарвозабонини доғда қолдирган Фарҳод «хет-трек» соҳибига айланди. «Нефтчи» футболчилари эса ушбу голларга фақат бир марта жавоб беришга эришдилар. 30-дақиқада М. Низомиддинов чамаси 35 метр узоқликдан «Пахтакор» дарвозасига чиройли гол киритишга муваффақ бўлди. Иккинчи бўлимда эса иккала жамоа футболчилари томонидан бир қанча хавфли вазиятлар юзага келтирилганига қарамай, дарвозаларга бошқа бироната ҳам гол киритилмади ва «Пахтакор» 4:1 ҳисобида йирик ғалабага эришиб, финалга чиқиш учун яхши имкониятга эга бўлди.

Аммо «Нефтчи» бош мураббийи Ю. Саркисян ўйиндан кейин ўтказилган матбуот анжуманида ҳали жавоб учрашувидан умидвор эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган. «Нефтчи» бу мавсумда ўз майдонида фақат бир марта мағлубиятга учраганини эсласак, «Пахтакор»га жавоб ўйинида қийин бўлиши аниқ.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

СПОРТ

ПОЛВОНЛАР – МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Миллий матбуот марказида «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти тақдимотига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими вазирликлари вакиллари, машҳур спортчилар, мураббийлар, соҳа мутахассислари ва олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Матбуот анжуманида янги ташкил этилган жамият, унинг мақсад ва вазифалари, фаолият йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Маълумки, она юртимиз қадим замонлардан алп баҳодирлар ватани бўлиб келган. Халқимиз олис-олис замонлардан ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрти учун жонини фидо этишга тайёр асл паҳлавон этиб тарбиялаб келган. Миллатимизнинг ўзлиги, эзгу орзу-ниятлари рамзи бўлган Алпомиш ва Барчинойлар сиймоси бунинг мисолидир. Асрлар оша бугунги кунимизга қадар етиб келган Спитамен жасорати, Широқ афсонаси, Тўмарис заковати шундан далолат беради. Чингизхон тан берган Жалолиддин Мангуберди, тенгсиз азму шижоат, мардлик ва тафаккур соҳиби бўлган Амир Темур, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоларида халқимизнинг эзгу қадриятлари, она Ватанга бўлган муҳаббат мислсиз куч-қудрат бўлиб ёғилади.

Тарих саҳифалари қадим цивилизация бешиги бўлган юртимизда азалдан спортнинг якка кураш турлари ривож топиб келганидан, халқимиз турмуш тарзининг узвий қисмига айланганидан далолат беради. Хусусан, археологик қазишмалар натижасида Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган қадимий Бақтрия ҳудудидан топилган жез даврига оид сопол идишда икки полвон кураш тушаётгани акс эттирилган. Бундай ноёб топилмалар милоддан 1,5 минг йил илгари ҳам кураш аждодларимизнинг севимли машғулотларидан бири бўлганини исботлайди. Халқимизнинг тўй-ҳашамлари, байрам-сайиллари полвонларсиз ўтмаган. Уларнинг чиқишлари байрамлар кўрки, тантаналар файзи ҳисобланган. Зеро кураш инсонни кучли, эпчил, чидамли ва иродали қилиб тарбиялаш воситаларидан ҳисобланади. Матбуот анжуманида сўзга чиққанлар томонидан ана шу қадимий анъаналаримизни, қадриятларимизни қайта тиклаш, жонлантириш мақсадида «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти ташкил этилганлиги таъкидланди. Тадбир жамият раҳбарияти, мамлакатимиз спорти юлдузлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг очиқ ва самимий мулоқотига айланди.

Шу ўринда айтиш керакки, халқимиз шон-шавкатли, ор-номусли ўғлонларини ҳурматлаб, уларнинг исмига баҳодир, паҳлавон, полвон сўзларини қўшиб атаб келади. Полвонлар миллат ор-номуси, ғурур-ифтихори, Ватан таянчи ҳисобланади. Халқимиз улар қиёфасида Ватанни бало-қазолардан асрашга қодир, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр азамат ва мард ўғлонларини кўриб, ҳурматлаб келади. Полвонларда олижаноблик, инсонийлик, ҳалоллик, ҳатто рақибига нисбатан ҳам ҳурмат олдинги ўринда туради. Улар зинфлар ва ночорларни ҳимоя қиладилар, ҳалол ғалабасига берилган совриннинг бир улушини муҳтожларга тарқатиб келадилар. Хусусан, донғи нафақат қадим Хоразм, балки олис-яқин юртларга таралган, кураги ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуднинг муборак номи орадан неча асрлар ўтса ҳамки улуғ, хотираси боқий. Уни бугун ҳам кўп баҳодирлар ўзларига пир деб биладилар. Содиқ полвон, Аҳмад полвон ва бошқа кўп паҳлавонлар ўз киндик қонлари томган ўлкаларнинг ифтихори бўлиб келган.

Яқин ўтмишимиз – XX асрда миллий спортимиз ғурурига айланган кўплаб спортчилар етишиб чиққанини ҳам қайд этиш лозим. Улар орасида ўзбек бокси афсонаси Руфат Рисқиев, бокс бўйича Сидней олимпиадаси ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев, самбо бўйича жаҳон чемпиони Собир Қурбонов, дунёнинг не-не полвонлари курагини ерга теккизган Бобомурод Файзиев, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳамадиев, Маҳтумқули Маҳмудов, беш карра фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони Нурмуҳаммад Юсупов, жаҳонга танилган ўзбек ўғлони Абдулла Тангриев ва бошқа кўплаб юртдошларимиз номини келтиришимиз мумкин. Бу номлар мамлакатимиз спорти тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрланган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва ғамхўрлиги билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга бўлган эътибор, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, ўзбек спорти нуфузи тобора ошиб, спортчиларимиз эришаётган юқори натижалар дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Хусусан, ўтган асрларда халқ турмуш тарзидан сунъий равишда сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинган миллий кураш қайта тикландигина эмас, балки тарихда илк бор халқаро миқёсга чиқди. Халқаро кураш ассоциацияси ташкил топиб, жаҳон чемпионатлари ўтказиладиган бўлди. Ҳозирги пайтда ўзбек кураши билан хорижий мамлакатларда 600 мингдан зиёд киши шуғулланаётгани, Европа, Осиё, Панамерика ва Океания кураш конфедерациялари тузилгани унинг шон-шуҳрати тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Бу каби мисолларни кўп келтириш мумкин.

Бироқ ҳаётнинг яна бир ҳақиқати борки, агар вақтида эътибор қаратилмаса, ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдирилмаса, бу борада эришилган ютуқлар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон спорти тарихига муҳрланган баҳодир полвонларимиз номлари вақт ўтиши билан секин-аста унутилиб боради. Бу эса миллий қадриятларимиз ва маънавиятимиз, Ватанимиз шарафини ҳимоялаш, истиқболини ишончли қўлларга топширишдек эзгу мақсадларимизга зид бўлибгина қолмай, бу борада орттирилган тажриба, маҳорат ва юртимиз спортининг мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбари кўп марта таъкидлаганидек, ҳар бир соҳада устоз-шогирдлик анъанаси қарор топиши эришилган ютуқлар давомли бўлишини таъминлайди. Хусусан юртимиз спорти дарғалари номи, уларнинг салоҳияти, Ватан ва халқимиз шарафини ҳимоялашга фидойилиги, эришган ютуқлари, уларнинг ҳаёт тарзи бугунги ёшлар учун ибрат бўлиши лозим. Улар ўз йўналишлари бўйича шакллантирган маҳорат мактаблари бугун миллий спортимиз оламига кириб келаётган умидли спортчиларимизга сабоқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Юртимиз спорти тарихи, ҳозирги кунда мамлакатимиз миллий спорт турларини ривожлантиришга бўлган катта эътибор, соғлом турмуш тарзини аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилиш, машҳур полвонлар, спорт усталари хотирасини абадийлаштириш, улар эришган ютуқларни ёшлар ўртасида оммалаштириш ва рағбатлантириш ҳамда ўзининг энг навқирон, ўсмирлик даврини спортга бағишлаган фахрий полвонларининг келгуси ҳаётий фаолиятида кўмаклашиш мақсадида «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти ташкил этилди. Мазкур жамият фаолиятининг устувор йўналишлари мамлакатда якка кураш маркази ва федерациялари билан ҳамкорликда спорт усталари ва мураббийларнинг республикада ҳамда халқаро мусобақаларда эришган муваффақиятлари ҳақида маълумотлар тўплаб чоп этиш, якка кураш федерациялари, ассоциациялари ва клубларига курашчиларнинг малакаларини оширишда кўмаклашиш, спортнинг ушбу турларини ривожлантириш борасида миллий ва халқаро конференциялар ҳамда спортнинг бу йўналишларини янги босқичга кўтаришга қаратилган бошқа тадбирларни ташкиллаштиришга қаратилган. «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти полвонлар ҳаёти-фаолияти тўғрисидаги қомусий китобларни яратишдан ташқари мамлакатимизда спортни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам фаолият олиб боради.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

ҚАЙДНОМА

ВЕЛОСПОРТ. Шу кунларда Малайзияда велопойга бўйича уч босқичли халқаро мусобақа бўлиб ўтаяпти. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этаяпти. Хусусан, Вадим Шайхов, Юсуф Абреков, Владимир Тўйчиев, Константин Калинин ва Мурод Холмуродовдан иборат термамиз биринчи босқич жамоавий баҳсларининг ғолиби бўлди. Шахсий биринчилик мусобақалари ҳам бизнинг вакилимиз – Вадим Шайховнинг муваффақият қозониши билан якунланди. Юсуф Абреков маррани тўртинчи бўлиб кесиб ўтди. Эслатиб ўтамиз, Вадим Шайхов ва Константин Калинин Қуролли Кучларимиз спортчиларидир.

ЭРКИН КУРАШ. Ёш полвонларимиз Филиппинда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритишди. Терма жамоамиз аъзоси Умиджон Исманов барча рақибларини мағлуб этди ва ўз вазн тоифасида Осиё чемпиони бўлди. Фақат финалда мағлуб бўлган Шерзод Қурбонов қитъа чемпионатининг кумуш медали билан тақдирланди. Алишоҳ Воҳидов ва Амирхон Мирзаев эса ўз вазн тоифалари бўйича қитъа чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлишди.

ҚИЛИЧБОЗЛИК. Сингапурда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 18 мамлакат ёш қиличбозлари иштирок этди. Игорь Князов, Роман Александров, Ғайрат Ҳамидов, Сергей Стебадан иборат терма жамоамиз шпага баҳсларида иккинчи ўринни эгаллади.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича қитъа чемпионати баҳслари ўтказилди. Вакилларимиз Осиё чемпионатининг бешта медалини қўлга киритишди. Уч нафар ёш полвонимиз – Баҳром Муродов, Мўминжон Абдуллаев ва Алишер Муродов баҳсларнинг финалигача етиб борди. Ҳал қилувчи беллашувда уч вакилимиздан ҳам омад юз ўгирди ва улар Осиё чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлишди. Ярим финалгача беллашган Абдурашид Бердалиев ва Ермахон Мамбетов эса қитъа чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

ФУТБОЛ. Аҳмад Убайдуллаев мураббийлик қилаётган ёшлар терма жамоамиз Испаниядаги йиғин мобайнида тўртта ўртоқлик учрашуви ўтказди ва барча учрашувларда ғалаба қозонди. Сентябрда Мисрда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал қисмига ҳозирлик кўраётган ёшларимиз учинчи учрашувда маҳаллий «Бануелис» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бундан аввалги учрашувларда «Selekt Barselona» ва «Perelada» жамоалари дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлган Муборакнинг «Машъал» клуби аъзоси Фозил Мусаев яна рақиб дарвозасини ишғол қилди. Иккинчи гол Иван Нагаев ҳисобига ёзилди. Сўнгги ўртоқлик учрашувида ёшларимиз Андорра терма жамоасига қарши майдонга чиқди ва 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ёшлар терма жамоамиз тайёргарликнинг навбатдаги босқичини Англияда ўтказишни режалаштирган. Вакилларимизга «Челси», «Астон Вилла» ва «Фулхем» ёшлар жамоаси рақиб бўлиши кутилмоқда.

* * *

Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси таркибида иккинчи даврадан бошлаб яна бир хорижлик футболчи – венгриялик Петер Вереш тўп сурадиган бўлди. У – ҳужумкор ярим ҳимоячи, 31 ёшда. Бир пайтлар Венгрия ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаси таркибида ўйнаган.

ШАХМАТ. Бир ҳафта мобайнида ўтказилган умумий совриндан жамғармаси 3,5 миллион сўмлик «Тошкент шаҳри ҳокими кубоги» учун халқаро мусобақада Қозоғистон, Тожикистон ва юртимизнинг 100 нафар шахматчилари ўзаро дона суришди. Турнир бошиданоқ эркаклар ўртасидаги баҳсларда пешқадамликни ўз қўлига олган гроссмейстеримиз Марат Жумаев сўнгги партияда самарқандлик Жўрабек Ҳамроқуловни мағлуб этиб, бош совринни қўлга киритди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда эса охирги партияда Ўзбекистон чемпиони Нафиса Мўминовани мағлубиятга учратишга муваффақ бўлган қашқадарёлик Нодира Нодиржонова ғолиб чиқди.

ТЕННИС. Туркиянинг Газиантеп шаҳрида ўтказилган аёллар ўртасидаги халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида австралиялик Жади Хоппер билан бирга муваффақиятли қатнашган ҳамюртимиз Нигина Абдураимова бош совринга сазовор бўлди. Улар Латвия ва Украина жуфтлиги – Диана Марсинкевис-Юлиана Уманецга қарши қийин кечган финал учрашувида 6:3, 6:7, 13:11 ҳисобида ғалаба қозонишди ва бош совринни қўлга киритишди.

МАДАНИЯТ

БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Ёшлик даврининг гаштини сураётган жажжи ўғил-қизларни, шўх болажонларни кўриб, ҳаваси келади кишининг. Уларни кузатиб, беихтиёр беғубор болалигимиз, кўрган-кечирганларимиз ёдга тушади. Эслашингиз биланоқ юзда табассум, қалбда ажиб илиқлик пайдо бўлиши ҳам табиий. Гаройиб оламнинг ширин хотиралари орасида ёзги таътил даври ўзига хос ўрин тутади.

Дарвоқе, ёзнинг иссиқ ва жазирама кунларини сўлим, соя-салқин, баҳаво жойларда, табиат қўйнида ўтказиш мазза-да. Айниқса, болалар оромгоҳларида дам олганларнинг бу борадаги таассуротлари бисёр.

Маълумки, ҳар йили ёз фаслида Мудофаа вазирлигига қарашли Чирчиқ гарнизонидаги «Тонг» ва Самарқанд гарнизонидаги Ёқуб Турсунов номидаги соғломлаштириш оромгоҳлари ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчиларининг фарзандларини ўз бағрига чорлайди. Жорий йилда 22 июлдан эътиборан иш бошлаган ушбу дам олиш маскан-лари 22 августга қадар икки сменада фаолият олиб боради.

Болажонларнинг кўнгилдан ҳордиқ чиқаришлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар қаторида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор бериляпти.

Шунингдек, ошхона, чўмилиш хоналари, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш жойлари, спорт майдончалари зурур асбоб-ускуналар, анжомлар билан, гуруҳлар эса кўргазмали воситалар, турли адабиётлар, мебеллар ва маиший жиҳозлар билан таъминланган.

«Тонг» оромгоҳида бўлганимизда юқоридаги фикрларга яна бир карра амин бўлдик.

– Юртимизнинг турли гўшаларидан келган етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлардан иборат дам олувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштирилган турли тўгараклар, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари болажонларнинг соғлиғини мустаҳкамлайди ва спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиради, – дейди оромгоҳ бошлиғи Любовь Адилова. – Шунингдек, болажонларнинг билим даражаси, дунёқараши ва маънавиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Мода ва турмаклар, эртаклар танловлари, спартакиада, «Тонг маликаси», «тозалик куни», «театр кечаси» тадбирлари ва бошқа кўплаб ўйинлар шулар жумласидандир.

– «Моҳир қўллар», спорт рақслари, расм чизиш каби тўгараклар болажонларга жуда манзур бўлиб, улар дам олувчиларнинг қизиқиши ва иқтидорига қараб, севимли машғулоти билан банд бўлиш имконини беради. – дейди катта тарбиячи Татьяна Урунбасва. – Тарбиячиларимиз орасида пойтахтимиздаги ижодиёт марказлари ходимларининг кўплигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу, албатта, болажонларнинг «Тонг»да ўтказган ҳар бир кунининг бетакрор ва унутилмас бўлишига, гуруҳларда ижодий ва самимий муҳитнинг шаклланишига хизмат қилишига шубҳам йўқ.

– Ёз фаслини, ундан ҳам кўпроқ эса «Тонг»ни яхши кўраман, – дейди тошкентлик Шаҳзода Алиева. – Бу ерда ёзги таътилни бир неча бор ўтказганман. Шу вақт давомида кўплаб дўстлар, танишлар орттирдим. Рангбаранг тадбирларда иштирок этиб, мусобақаларда ғолиб бўлдим. Кейинги йили ёшим ўн бешга тўлишини ўйласам, сал кайфиятим тушади... Мен учун қадрдон бўлиб қолган оромгоҳни, тарбиячилару дугоналаримни унутмаслигим аниқ.

– Мен эса биринчи марта ёзни оромгоҳда ўтказяпман, – дейди нукуслик Отабек Режепов. – «Тонг» ҳақида кўп эшитгандим. Дўстларим мақташганича бор экан: салқин жойлар, чиройли манзаралар... Тенгқурларим билан спорт мусобақаларида беллашиш ва ғолиб бўлиш, қизиқарли тадбирларда иштирок этиш ва айниқса, бассейнда чўмилиш ниҳоятда мароқли. Қолаверса, бир-биридан мазали таомлар, ҳар хил ширинликлар жону дилим. Хуллас, менга жуда ёқди.

Болажонларнинг миннатдорчилик акс этувчи сўзларидан аёнки, кўзланган мақсадга эришилмоқда. Демак, ўғил-қизларнинг мароқли ва мазмунли дам олишлари учун қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар, қаратилаётган эътибор кўзланган натижани беряпти.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

"Ягонасан, муқаддас Ватан!"

ЮРТ ҲАҚИДА КУЙЛАШ БАХТИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий санъатимизни ривожлантириш, ёш иқтидор эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳам ижодкорлар учун яна бир катта имкониятдир.

– Ватанни ардоқлаш, унинг озодлиги, халқимизнинг фаровон турмуш тарзини, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни мадҳ этиш ҳар бир санъаткор учун улкан шарафдир, – дейди «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолиби, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, «Ниҳол» мукофоти совриндори Мақсет Утемуратов. – Бу кўрик-танлов биз, ёшларнинг юксак орзуларимиз рўёбга чиқишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу нуфузли танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида М.Нағметуллаев сўзи, А.Пахратдинов мусиқаси билан айтилувчи «Муқаддас Ватан» қўшиғим билан ғолиб чиққанимдан хурсандман.

Танловнинг Қорақалпоғистон босқичида қатнашган 44 нафар иштирокчининг кўпчилиги санъат оламига энди қадам қўяётган ёш ҳаваскорлардир. Шаҳар ва туманларда уюшқоқлик билан ўтказилган саралаш жараёнида асосий эътибор матн, мусиқа ва ижро маҳоратига қаратилганлиги кўрик-танловнинг нуфузини янада оширди. Ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрамига бағишлаб пойтахтимизда ўтказиладиган шодиёналарда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши ҳам ёшлар учун улкан рағбатдир.

Бундай нуфузли кўрик-танловлар ва фестивалларистеъдодли ёшларни кашф этиш баробарида миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, санъатимизнинг равнақ топишига хизмат қилмоқда. Бу эса ёшларимиз онгида Ватанга садоқат, умуминсоний қадриятлар ва миллий меросимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлайди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. КАМОЛОВ, капитан Ё. ҲАКИМОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламбаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 21700.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № 1-78-38.